

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 47 (1111) • 2016-yil, 11-noyabr, juma

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Наримон Умаровга овоз беринг!



Наримон Умаровнинг Наманган, Андижон, Навоий, Бухоро вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашуви

Мамлакатимизда қизгин давом этаётган сайлов кампаниясининг муҳим босқичида партияларо сиёсий рақобат янада кучаймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳамда уларнинг дастурлари кенг тарғиб этилаётган шу кунларда бу рақобат жараёни ҳар бир сайловчини мамлакат ва халқ тақдирига дахлдор сиёсий тадбирга жиддий масъулият билан ёндашиш, янада фаол бўлишга ундамоқда.

Халқчил ғоялари, фуқаролар манфаатларини рўйга чиқариш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир кўплаб амалий ишлари билан юртимиз аҳолисининг эътиборини қозониб келаётган

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясини уюшқоқлик билан олиб бормоқда ва партия номзодига халқимизнинг ишончи, сайловчиларнинг хайрихоҳлигини оширишга эришмоқда. Президентликка номзод Наримон Умаров ва ишончли вакилларининг ҳудудларда сайловчилар билан фаоллик ва кўтаринки руҳда ўтказилаётган учрашувлари ҳам буни яққол кўрсатапти.

Таъкидлаш жоизки, партия номзодининг мазкур учрашувлари видеоконференция тарзида ташкил этилиб, ўз ҳудудлардаги барча шаҳар ва туманлардан минглаб сайловчиларга номзод билан очиқ мулоқот қилиш имкони яратилди.

НАМАНГАН.

Президентликка номзод Наримон Умаров Наманган вилояти сайловчилари билан учрашди. Асосий учрашув зали ҳамда туман, шаҳарлардаги учрашув жойларидан жами 2800 нафарга яқин сайловчи иштирок этган ушбу тадбирни Наманган давлат университетининг катта ўқитувчиси Ш.Баннаев олиб борди.

Президентликка номзод Наримон Умаров мамлакатимиз дунёнинг тараккий этган давлатлари каторидан ўрин эгаллаш сари дадил одимлаётгани, юртимизда кечаётган кенг қўламли ис-

лохотлар ҳамда бунёдкорлик ишларида наманганликларнинг ҳам алоҳида ҳиссаси борлигини таъкидлади.

Бугун вилоятнинг қайси гўшасига борманг, ободончилик, бунёдкорлик ҳамда яратувчилик ишларига гувоҳ бўласиз, — деди Н.Умаров. — Пировардида шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмаси замонвий кифа касб этиб, одамларнинг турмуш фаровонлиги юксалиб бормоқда. Ўтган йилларда ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ишлаб чиқариш салоҳиятидан келиб чиқиб амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий

дастурлар натижасида Наманган бугун индустриал вилоятга айланиб бораётгани қувонарлидир. Бунга биргина 2015 йилда вилоятдаги саноат корхоналари томонидан қарийб 2,7 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги яққол далил бўла олади.

Н.Умаров ўз сайловолди дастурининг асосий йўналишлари ҳақида батафсил сўзлаб берди, бунда ҳам номзод вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир ғоя ва тақлифларини билдирди.

2-3

Ташвиқот ишлари сайлов штабида қизгин давом этмоқда

Сайлов кампаниясининг бугунги босқичида барча ҳудудларда бўлгани каби Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши сайлов штабида ҳам иш қизгин кечмоқда. Ундаги ҳар бир аъзо сайлов кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказишда сайлов штаби асосий таянч тузилма эканлигини ҳис қилган ҳолда белгиланган вазифаларни ўз вақтида фаоллик билан амалга оширмоқда.

Сайлов штабига партия номзодининг дастури, сайловолди оид қонунлар ҳақида ва ҳуқуқий, сиёсий мавзудаги бошқа шу каби муҳим қилувчилар ҳар кун ташриф буюришяпти. Бу ерда турли касб эгалари, сайловда илк бор қатнашадиган ёшлар, ўқитувчилар, маҳаллада истиқомат қилувчилар ўз сиёсий билимларини бойитиб, партия фаолияти, партияимиз номзоди ва унинг сайловолди дастури ҳақида маълумотлар олишмоқда.

Мен «Адолат» социал-демократик партиясидан Президентликка номзоднинг дастурида экология ва атроф-муҳит ҳимояси борасида илгари сурилган мақсад ва вазифалар тўғрисида батафсил хабардор бўлиш истагида келдим. Бу жуда муҳим ҳаётий масала ҳисобланади. Сабаби, инсон саломатлигининг асоси экология ва атроф-муҳит муҳофазасига борлиқдир, — деди Нукус шаҳрида яшовчи нафақахўр Дарибой Дошетов.

Партия томонидан фуқароларнинг экологик маданиятини юксалтиришга доир бир қатор ишлар қилинаётганидан хабардормиз, — дейди 1-сонли тиббиёт коллежи ўқитувчиси Султон Камолов. — Бу, ўз навбатида, она юрт табиати, атроф-муҳитга тўғри қарашларни шакллантиришда ижобий аҳамият касб этади. Наримон Умаровнинг дастурида экологик барқарорликни таъминлашда қандай амалий тақлифлар билдириляпти ва бу ғояларни қай тарзда рўйга чиқариш кўзда тутилган, деган савол ҳамкасбларимизни қизиқтирмоқда. Шунингдек, олий таълим даргоҳларига ўқишга қабул қилиш борасидаги янги тақлифлар ҳақида атрофича тўшунчалар олиш ниятидамиз.

7

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
САЙЛОВИ — 2016
4 декабрь
ЯКШАНБА
22 кун қолди

САЙЛОВ — 2016

Ўзбекистон «Адолат» СДПдан Президентликка кўрсатилган номзод Наримон Умаровнинг сайловолди дастуридан ўрин олган ташқи сиёсатнинг асосий тамойиллари миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб, тинчликсевар, прогрессив сиёсат юритишдек ҳаётда ўзини оқлаган инсонпарварлик, мамлакатларо ва миллатларо дўстлик, ҳамжиҳатликка асосланиши билан эътиборимизни тортади.

Тинчликсевар, прогрессив ташқи сиёсат: миллий манфаатлар устуворлиги

Хусусан, бундан кейин ҳам мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш, ҳеч қандай ҳарбий блокларга ва коалицияларга қўшилмаслик, ҳарбий мақсадларни назарда тутувчи ҳаракат ва ташкилотлар билан алоқа ўрнатмаслик, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган ғоялар ҳеч қимни бекфар қолдирмайди.

Президентликка номзод Н.Умаровнинг сайловолди дастурида, айниқса, жаҳон ҳамжамияти билан икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб ривожлантириш, яқин кўшни давлатлар билан очиқ, дўстона ва прагматик сиёсат олиб бориш, минтақамиздаги барча муҳим сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ўзаро манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, конструктив мулоқот ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари асосида ҳал этиш, БМТнинг ижтимоий-гуманитар соҳаларга ихтисослаштирилган институтлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалаларининг илгари сурилганлиги мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи янада юксалишига олиб келади.

3

“Менинг овозим Ватан келажига дахлдор”

Жорий йилнинг 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловда юз минглаб ўғил-қизлар илк мартаба қатнашиб, ўз конституциявий ҳуқуқини рўйга чиқаради. Хусусан, 14-Тошкент сайлов округида овоз бериши қўйлабган 2 миллионга яқин сайловчининг салкам 60 минг нафари сайловда биринчи марта қатнашадиган ёшлардир.

Мазкур сиёсий жараёнда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясини юқори савияда ўтказишга пухта тайёргарлик кўрмоқда. Жойларда ташкил этилаётган тарғибот тадбирларида мамлакатимизда яратилган миллий сайлов тизими, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун ва сўнги йилларда унга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти тўшунтирилиб, сайловчилар, айниқса, биринчи марта овоз берадиган ёшларнинг сайлов қонуinchилигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Олмазор туман кенгаши ҳамкорлигида партиянинг «Биргалик-

да юксак ҳуқуқий маданият сари» лойиҳаси доира-сида Тошкент тиббиёт коллежида «Менинг овозим Ватан келажига дахлдор» мавзусида ўтказилган тадбир ҳам шу мақсадга қаратилди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходими О.Аманов ва Олмазор туман партия кенгаши раиси М.Мейликовнинг сайлов қонуinchилиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳокимият вакиллик органларини шакллантиришда ёшларнинг иштироки ҳамда сиёсий партиялар фаолияти юзасидан маърузаларини тинглади.

Таъкидланганидек, республикамизда халқаро талабларга тўла жавоб берадиган миллий сайлов ти-



зими яратилганлиги, сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилган меъёрлар фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, конституциявий ҳуқуқидан тўлақонли фойдаланишига хизмат қилмоқда.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлган сайлов ҳуқуқининг қўллаб-қувватланиши, — деди Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Одилжон Аманов. — Табиийки, сай-

ловнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, сайлов бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қондалари асосида ўтиши кўп жihatдан фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига, уларнинг фаоллиги ва фуқаролик бурчини чуқур англашига боғлиқ. Демак, сайловчиларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксак бўлса, улар ушбу сиёсий жараёнда онгли равишда ёндашди, ўз овози давлатнинг ва жамиятимиз ҳаёти, мамлакатимиз келажига учун муҳим аҳамиятга эга эканини яққол тўшунди.

Анжуманда ёш сайловчилар «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги ва «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг мазмун-моҳияти, фуқароларнинг сайлов қонуinchилигида белгиланган конституциявий ҳуқуқлари билан таништирилди. Сайлов жараёнида фуқаролар, айниқса, ёшлар ўз ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланиши учун шароит яратилиши, тенглик, ошқоралик ва адолатлик тамойилларига каттий амал қилинишига эътибор қаратилди.

7

7

Муҳим жараёнда маҳалланинг фаол иштироки

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан Марказий сайлов комиссияси, Адлия вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича маҳаллаларда тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига бағишланган республика семинари ўтказилди.

Наримон Умаровнинг Наманган, Андижон, Навоий, Бухоро вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашуви

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

— Ўтган йилларда Наманган вилоятининг саноат тармоқларига мутлақо янги илгор технологиялар, ишлаб чиқаришга импорт ўрнини босувчи, рақобатдош маҳсулотлар кириб келганлиги, маҳаллийлаштириш дастурининг амалиётга самарали таътиб этилиши натижасида юқори босимли газ баллонлари, қурилиш ашёси ҳисобланган шифер, республикамизга импорт сифатида келтирилган спорт жиҳозлари, автомобиль фаралари, дори воситалари сингари юздан ортиқ маҳсулотлар эндиликда вилоят корхоналарида ишлаб чиқарилаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим, — деди Н.Умаров. — Айни пайтда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш масалаларига, авваламбор, мамлакатимизда экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон ва минтақавий бозорлардаги рақобатдошлигини ошириш, экспорт ва импорт миқдори орасидаги мувозанатни сақлаш нуктаи назаридан ёндашиш зарур. Шу билан бирга, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, янгида-янги ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилаётгани ҳамда аҳоли сони кўпайиб бораётгани ўз-ўзидан электр энергиясига бўлган талабнинг ортиб боришига сабаб бўлади. Бу борада энергия сарфини иқтисод қилишни рағбатлантиришга қаратилган замонавий технологияларни кенг миқёсда жорий этиш, мавжуд муқобили энергия манбаларидан самарали фойдаланиш орқали рақобатдош энергия бозори яратилишини рағбатлантириш долзарб масалалар сирасига кирди. Вилоятнинг Поп туманида ишга туширилган кўш фотозлектр-станцияси ушбу соҳанинг истиқболлиги билан эканлиги яққол кўрсатади. Шунингдек, мазкур соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни устувор вазифалардан бири, деб биламиз.

Наримон Умаров иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоблар кайтарди. Тадбирда Учқўрғон туман 6-сонли давлат иқтисодлаштирилган умумтаълим мактаб-интернатининг илмий бўлими мудири Н.Турсунов, Республика шойилчи тиббий ёрдэм илмий маркази Наманган филиали директори А.Эрметов, Учқўрғон шаҳар "Саноат" маҳалла фуқаролар йиғини раиси О.Набиев, халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши депутати Ш.Давронов ва бошқалар Президентликка номзоднинг дастурини қўллаб-қувватлаб сўзга чиқдилар ва вилоят аҳолисини бўлажак сайловда Наримон Умаровга овоз беришга чақирдилар.

Биз учрашувда қатнашган партия фаолларининг фикрлари билан қизиқдик. — Маълумки, партиямиз олға сураётган гоёлар орасида мамлакатнинг келажакдаги тараққиёти инновацион иқтисодиётга боғлиқлиги кўп тилга олинади, — дейди Нормин туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Абдували Мавлонов. — Чунки фан ва технологиялар жадаллик билан ривожланаётган ҳозирги даврда фақат янги технологияларга асосланган иқтисодиётга давлат қудратини ошириб, халқимиз фаровонлиги ва жамиятимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилиши мумкин. Партия номзодининг дастурини амалга оширишнинг йўллари ҳам кўрсатилган. Хусусан, махсус комплекс чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш зарурлиги қайд этилган. Мазкур ҳужжатда инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базисини такомиллаштириш, инновация ва инновацион инфратузилмаларнинг ягона ваколатли органини тасвир этиш, Инновация жамғармасини тузиш каби устувор вазифалар кўзда тутилгани янада муҳим аҳамият касб этган.

— Партияимиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастурини кўпчилигининг эътиборини тортадиган жиҳатлар жуда кўп, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Янгиқўрғон туман кенгаши раиси Дилафруз Тўхташова. — Масалан, дастурдан ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари алоҳида ўрин



эгаллагани қўллаб-қувватлашга қатъият билан қўйилган мақсад-вазифалари ҳақида атрафлича сўз юритди. Демократик ижтимоий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш, қонун устуворлигига эришиш, макроникосодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини қучайтириш, мамлакатни модернизация қилиш каби энг муҳим вазифалардан келиб чиққан ҳолда, янги авлод кадрларини тайёрлаш, миллий манфаатлар устувор бўлган тинчликсевар, прогрессив ташқи сиёсатни олиб бориш борасида ўз фикрларини билдирди.

Партия номзоди ўз дастурини мамлакатимиз аҳолисини йилдан-йилга кўпайиб, уларнинг турмуш сифати ва даражаси юксалиб бораётганини таъкидлади. Шундан келиб чиқиб, номзод фуқароларимизнинг уй-жойга бўлган талабни қондиришнинг мақбул йўллари тақлиф этгани иштирокчиларнинг қизиқлигини орттирди. Бинобарин, инсоннинг яшаш шароити, оилаларнинг уй-жой билан таъминланганлик даражаси фаровонлигини муҳим белги бўлиши билан бирга фуқароларнинг мамлакат тараққиётига ҳисса қўйиши, жамият ҳаётида фаол иштирок этишининг асосий омилларидан биридир.

— Уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ажратиладиган ипотека кредитлаш жараёнини такомиллаштириш ва фойзаларини оптималлаштириш, уй-жой бозоридagi фирибгарликлар учун жавобгарлик ва назоратни қучайтириш, уй-жой-коммунал комплекси ишини янада яхшилаш, аҳоли учун белгиланаётган коммунал тўловлар миқдорини доимий назоратда тутиш, бу соҳаларда аҳолига хизмат кўрсатадиган муқобили ташкилотлар ўртасидаги рақобатни оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга оширишни мақсад қилганмиз, — деди Н.Умаров.

Шунингдек, партия номзоди ўз сўзида хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини қучайтириш масалаларига сайловчилар эътиборини қаратиб, хотин-қизларнинг янада чуқур билим ва касб маҳоратига эга бўлишлари учун кенг имкониятлар яратиш, меҳнат бозорига уларга имтиёзлар бериш, иқтидорли ҳамда юқори малакали, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлганларини давлат бошқаруви органларининг барча соҳаларига ва бўғинларига жалб қилиш масалаларига устувор вазифалар сифатида қараймиз, дея таъкидлади.

Очик мулоқот, фикр алмашув тарзида бўлиб ўтган тадбирда сайловчилар томонидан берилган саволларга Н.Умаров атрафлича жавоб берди. Учрашувда партия фаолларидан "ASR Фаровонлик сари" масъулият чекланган жамияти раиси Б.Комилон, Ўзбекистон "Адолат" СДП Асака туман кенгаши раиси М.Каримова, халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутати З.Комилова, Асака туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиника шифокори А.Султонов ва бошқалар Президентликка номзоднинг сайловолди дастурини мамлакатимизнинг келгусидаги ривожланиш йўллари белгиланганли-

гини таъкидлаб, сайловчиларни 2016 йил 4 декабрь куни бўладиган сиёсий тадбирда фаол иштирок этишга ва Н.Умаров номзодини қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

НАВОИЙ.
Наримон Умаровнинг Навоий вилояти сайловчилари билан учрашуви ҳам юқори савияда бўлиб ўтди. Нурота тумани ҳокимияти мажлислар залида онлайн видеоконференция тарзида ўтказилган учрашувда туман, шаҳарлардаги учрашув жойларидан жами 2500 нафарга яқин сайловчи — давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, ёшлар, партия аъзолари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Наримон Умаровнинг ишончли вакили, Алишер Навоий номидаги наشريёт давлат корхонаси директори С.Мансурова сайловчиларни Президентликка номзоднинг таржиман холи билан таништирди. Н.Умаров давтавал Навоий вилояти ахли қадимдан Қизилқумдек саҳро бағрида ўзининг захматли меҳнати, фидокорлиги ҳамда бунёдкорлик салоҳияти билан мана шун-

дай обод ва гўзал диёрни яратган халқ эканлигини эътироф этди. Бугунги кунда Навоий вилояти катта иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётида ўзига хос ўрин тутатганини Н.Умаров алоҳида қайд этиб ўтди. Президентликка номзод сайловчиларга "Адолат" социал-демократик партияси мақсад ва вазифалар асосида ишлаб чиқилган сайловолди дастурининг асосий йўналишларини баён қилди. Дастурда илгари сурилган гоёлар халқчиллиги, ҳудудлардаги аниқ ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳамда уларнинг ечим юзасидан механизмлар белгилангани билан сайловчиларга манзур бўлди.

Жумладан, Н.Умаров мамлакатимиз келажакдаги — инновацион иқтисодиётга эканлиги, бутун дунёда фан ва технологиялар жадаллик билан ривожланаётган ҳозирги даврда фақат янги технологияларга асосланган иқтисодиётга давлат қудратини ошириб, халқимиз фаровонлиги ва жамиятимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилишига ишонч билдирди. — Бу борадаги мақсадларни амалга ошириш учун махсус комплекс чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш лозим, — деди Н.Умаров. — Мазкур ҳужжатда инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий

базисини такомиллаштириш, инновация ва инновацион инфратузилмаларнинг ягона ваколатли органини тасвир этиш, Инновация жамғармасини тузиш каби устувор вазифаларни амалга оширишни мақсад қилганмиз.

Партия номзоди сайловчилар эътиборини Навоий шаҳри республикамиздаги саноатлашган ҳудуд эканлигига қаратар экан, йирик саноат корхоналарининг шаҳар экологияси ва атраф-муҳитга салбий таъсирининг олдини олиш юзасидан ўз тақлифларини илгари сурди. — Хусусан, экология соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиб, уни ҳаётга таътиб этиш асосий вазифаларимиздан бири саналади, — деди Наримон Умаров. — Ушбу дастурда, хусусан, табиатнинг саноат корхоналари томонидан ифлосланишини камайитириш, чанг ва захарли моддаларни кўп ютувчи дарахтлар сони ва турини ошириш, шаҳарлар ва саноат корхоналари атрафига яшил зоналар барпо этиш орқали атраф-муҳит мусоффолигини таъминлашга қаратилган аниқ механизмлар белгиланади.

Бу каби ҳаётини вазифаларни амалиётга йўналтириш айнан Навоий



шаҳри ҳавосининг мусоффолигини таъминлаш ҳамда фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилишда долзарб аҳамият касб этиши хусусидан фикрлар учрашув иштирокчилари томонидан тўла қўллаб-қувватланди. Наримон Умаров иштирокчиларнинг саволларига жавоб кайтариб, мазкур учрашувлар аҳолининг реал эҳтиёжларини аниқлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни самарали ҳамда манзилли чора-тадбирларини ишлаб чиқишда аниқ муддао эканлигини таъкидлади.

Учрашувда партия фаоллари Президентликка номзод Н.Умаровнинг дастурини ҳар бир йўналиш замонавий тараққиёт талабларига мослиги, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, мамлакатимизни ривожланган давлатлар каторига олиб чиқишга хизмат қилишни таъкидладилар. — Соҳалар тараққиётининг муҳим омиллари билан бир қаторда номзод дастурини ўрин олган қучли ижтимоий ҳимоя йўналишида белгиланган мақсад ва вазифалар ҳам сайловчиларни бефарқ қолдирмайди, — деди Республика шойилчи жараёнида адолат гоиси асосий мезон бўлиши зарурлигини қайд этиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзоси Гулчехра Саттарова, Навоий кончилиги касб-хунар коллежи директори Шухрат Норов, "Spark-advokat" адвокатлик фирмаси юристи Шоира Фозилова ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, сайловчиларни Наримон Умаровга овоз беришга чақирдилар.

БУХОРО.
Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров сайловолди ташвиқоти доирасида 9 ноябрь куни Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашди. Кенг жамоатчилик вакиллари, корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари, маҳаллалар фаоллари, партия аъзолари ҳамда журналистлар иштирок этган ушбу тадбирни Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари Дилбар Ҳамдамова олиб борди.

Наримон Умаров бухоролик сайловчиларга мурожаат қилар экан, бу табарруқ замин муқаддас ислом дини қувват олган, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақибандийдек улуг алломалар, Абу Али ибн Синодек етуқ мутафаккир ва олимларни етиштириб берган юрт сифатида бутун дунёга машҳур эканлигини эътироф этди. Истиқлол йилларида навқирон Бухоро шаҳрининг кўрки ва гўзаллиги янада ортган, бугунги кунда шаҳар нафақат ўзининг бетакрор обидалари, минг йилларга бориб тақалладиган маданияти билан, балки замонавий меҳмонхоналари, таълим муассасалари, спорт комплекслари, театр ва маданият саройлари, гўзал боғлар-ю, фавворалари билан бу ерга ташриф буюрган сайёҳларни маҳлиё этаётгани ҳақида илқ фикрлар билдирди.

Сайловчилар партия номзодининг ўз сайловолди дастурини белгиланган устувор го ва вазифалар ҳақидаги маърузасини катта қизиқиш билан тингладилар.

— "Ижтимоий тенглик — тенг ҳуқуқ ва тенг масъулият демокдир" деган тамойилга таянган ҳолда фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий тенглиги, ҳар бир фуқаро қобилияти ва малакаси билан келиб чиққан ҳолда меҳнат қилиши қаролатланадиган, меҳнатининг миқдори ва сифатидан келиб чиққан ҳолда муносиб иш ҳақи ва ҳаёт даражасига эришиши учун кенг ва тенг имкониятлар яратилган ижтимоий давлат қуриш учун курашиш энг муҳим мақсадларимиздан саналади, — деди Н.Умаров.

Партия номзоди жамиятда ижтимоий ҳаётимизни қонунлар бошқариши, улар қанчалик мукамал ва ҳаётини бўлса, ҳуқуқ ва эркинликларимиз ишончли ҳимоя қилиниши, шу сабабдан, асосий ижтимоий-иқтисодий муносабатларни фақат қонунчилик йўли билан мувофиқлаштиришга, шунингдек, қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга таътиб этишининг ишончли механизмини яратиш ҳамда қонун ижодкорлиги жараёнида адолат гоиси асосий мезон бўлиши зарурлигини қайд этиб ўтди.

ламлари сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни таъминлаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида тиббий хизматлар тизимини қучайтириш, маҳаллий фармацевтика корхоналарини қўллаб-қувватлаш, дори воситаларининг ноқонуний айланishi, қалбақлаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғурук мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини такомиллаштириш каби муҳим масалалар кўпчилигининг диққатини ўзига жалб этишига ишонамиз.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базисини тубдан яхшилаш, соҳага оид давлат дастурларини қабул қилиш каби ҳаётини гоёлар мавжудлиги партия номзодининг тиббиёт соҳасидаги илохотларни янги босқичга олиб чиқиш, халқимиз саломатлигини асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратганини кўрсатади.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзоси Гулчехра Саттарова, Навоий кончилиги касб-хунар коллежи директори Шухрат Норов, "Spark-advokat" адвокатлик фирмаси юристи Шоира Фозилова ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, сайловчиларни Наримон Умаровга овоз беришга чақирдилар.

БУХОРО.
Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров сайловолди ташвиқоти доирасида 9 ноябрь куни Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашди.

Кенг жамоатчилик вакиллари, корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари, маҳаллалар фаоллари, партия аъзолари ҳамда журналистлар иштирок этган ушбу тадбирни Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари Дилбар Ҳамдамова олиб борди.

Наримон Умаров бухоролик сайловчиларга мурожаат қилар экан, бу табарруқ замин муқаддас ислом дини қувват олган, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақибандийдек улуг алломалар, Абу Али ибн Синодек етуқ мутафаккир ва олимларни етиштириб берган юрт сифатида бутун дунёга машҳур эканлигини эътироф этди. Истиқлол йилларида навқирон Бухоро шаҳрининг кўрки ва гўзаллиги янада ортган, бугунги кунда шаҳар нафақат ўзининг бетакрор обидалари, минг йилларга бориб тақалладиган маданияти билан, балки замонавий меҳмонхоналари, таълим муассасалари, спорт комплекслари, театр ва маданият саройлари, гўзал боғлар-ю, фавворалари билан бу ерга ташриф буюрган сайёҳларни маҳлиё этаётгани ҳақида илқ фикрлар билдирди.

Сайловчилар партия номзодининг ўз сайловолди дастурини белгиланган устувор го ва вазифалар ҳақидаги маърузасини катта қизиқиш билан тингладилар.

— "Ижтимоий тенглик — тенг ҳуқуқ ва тенг масъулият демокдир" деган тамойилга таянган ҳолда фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий тенглиги, ҳар бир фуқаро қобилияти ва малакаси билан келиб чиққан ҳолда меҳнат қилиши қаролатланадиган, меҳнатининг миқдори ва сифатидан келиб чиққан ҳолда муносиб иш ҳақи ва ҳаёт даражасига эришиши учун кенг ва тенг имкониятлар яратилган ижтимоий давлат қуриш учун курашиш энг муҳим мақсадларимиздан саналади, — деди Н.Умаров.

Партия номзоди жамиятда ижтимоий ҳаётимизни қонунлар бошқариши, улар қанчалик мукамал ва ҳаётини бўлса, ҳуқуқ ва эркинликларимиз ишончли ҳимоя қилиниши, шу сабабдан, асосий ижтимоий-иқтисодий муносабатларни фақат қонунчилик йўли билан мувофиқлаштиришга, шунингдек, қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга таътиб этишининг ишончли механизмини яратиш ҳамда қонун ижодкорлиги жараёнида адолат гоиси асосий мезон бўлиши зарурлигини қайд этиб ўтди.

Наримон Умаровнинг Наманган, Андижон, Навоий, Бухоро вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашуви

Давоми. Бошланғичи 1-2-бетда

Президентликка номзод Бухоро вилоятининг табиий иқлим шароитини, ер ва сув ресурсларининг шўрланган даражаси юқорилигини инобатга олган ҳолда ҳудудда тиббий хизмат даражаси ва сифатини янада ошириш зарурлигига сайловчилар эътиборини қаратди. Шунингдек, юртимиз фарзандларининг соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтириш юзасидан аниқ таклифларни баён қилди.

Президентликка номзод учрашув иштирокчиларининг ўз сайловодди дастури, ҳудудни ва умуман, республикани ривожлантиришга доир кўпга саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда сўзга чиққан партиямиз фаоллари Президентликка номзоднинг дастуридан ўрин олган асосий йўналишлар, ғоя ва таклифлар Ватанимиз тараққиёти, юртимиз аҳолисининг барча қатламлари манфаатларини таъминлашда мустақкам омили бўлишини эътироф этишди.

— Ҳар бир соҳани ривожлантириш, келажак истикболини мамлакатда илм-фаннинг тараққиёт даражаси, илм-фан ютуқларининг амалиётга йўналтирилишини тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, ёшларнинг олий таълим олиш имкониятлари кенгайтирилиши билан боғлиқ жараён саналади, — деди Бухоро давлат тиббиёт институти кафедра мудири И.Абдулҳақов. — Н.Умаровнинг сайловодди дастурида илгари сурилган олий таълим муассасаларининг инновацион инфратузилмасини ҳамда илм-фан, саноят ва иқтисодиёт билан алоқасини кучайтириш, ўқитувчилар ва ходимларнинг инновацион фаоллигини оширишга доир

таклифлар, хусусан, таълим соҳаси ходимларини асло бефарқ қолдирмайди. Шунингдек, келажакда мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар каторидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, “инновацион ва билим иқтисодиёти”га ўтиш эҳтиёжларини ҳамда аҳолининг демографик ўсиши ва бошқа жараёнларини инобатга олиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлигини босқичма-босқич ошириб бериш, олий таълим муассасаларига қабул қилишдаги квоталар тизимини қайта кўриш, барча талабгорларга олий таълим олиш ҳуқуқини бериш орқали иқтидорли ёшларни танлаб олиш сифатини ошириш, хорижий олий таълим муассасаларини тамомлаган олий маълумотга эга фуқароларимиз дипломларини нострификациядан ўтказиш тизимини соддалаштириш каби илғор ташаббус ва ғоялар сайловчилар, ота-оналар ва ёшлар ҳамда ўқитувчиларнинг диққатини ўзига тортгани табиийдир.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қодир Жўраев, вилоят статистика бошқармаси бошлиғи Баҳодир Гиясов, Бухоро шаҳар 39-сон умумтаълим мактаби ўқитувчиси Шахноза Мадиева, Ўзбекистон “Адолат” СДП Вобкент туман кенгаши раиси М.Ҳомидов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муносиб номзод Наримон Умаровни қўллаб-қувватлашга, тобора яқинлашиб келаятган сайлов кунини унга овоз беришга чакирдилар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР.
Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг 10 ноябрь куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашуви ҳам бошқа ҳудудлар



даги сингари сайловчиларнинг юқори даражадаги фаоллиги остида бўлиб ўтди. Унда депутатлар, шаҳардаги қорхона ва ташкилотлар ходимлари, маҳалалар фаоллари, талаба-ёшлар, “Адолат” СДП аъзолари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Учрашувни Республика Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти директори А.Саидов олиб борди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили — Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ кўлемлари маркази директори Н.Мухаммедов пойтахтликларни Наримон Умаровнинг таржimai холи, меҳнат фаолияти билан яқиндан таништирди.

Тадбирда партиясидан Наримон Умаров нутқ сўзлади. У, жумладан,

пойтахтимиз бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизнинг юксак тараққиёт этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий ва маънавий-маърифий маркази эканлиги, айниқса, истисно қилганда Тошкент шаҳри қудратли саноят ва транспорт-коммуникация тармоқлари, замонавий ижтимоий инфратузилмаларини ўзидан мужассам этган йирик мегаполисга айланганини эътироф этди.

Наримон Умаров сайловчиларга ўз сайловодди дастурининг асосий йўналишлари ҳақида сўз юритар экан, халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишга қаратилган янги вазифаларни, марраларни белгилаш ва уларга эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларини сифат-жихатидан юқори босқичга кўтариш асосий мақсади эканлигини билдирди.

— Давлат ва жамият бошқарувида аҳолининг муносиб иштирокини таъминлаш, сиёсий ислохотларнинг янада чуқурлаштирилиши, жамиятда демократик қадриятларнинг мустақкамлашгани ва ривожланиши, адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни устуворлиги таъминлашнинг учун бор кучимизни сафарбар этамиз, — деди Н.Умаров.

Президентликка номзод Н.Умаров пойтахт уй-жой бозорини одди-содди ва ижара муносабатларининг фаоллиги, бу борада турли қонунбузилиш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари учраб туриши, қолаверса, уй-жой фонднинг катталиги, кўп қаватли уйларда истискомат қилувчи аҳолининг коммунал тўловларга доир мавжуд масалалари каби Тошкент шаҳрига хос айрим ижтимоий масалаларга

сайловчилар эътиборини қаратиб, уларнинг ечим юзасидан ўз дастурий таклифларини илгари сурди.

Жумладан, пойтахтимизда бунёд этилаётган замонавий уй-жойларнинг лойиҳасини ишлаб чиқишда уларга инновацион, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Н.Умаров ўз нутқида тиббиёт соҳасини жаҳон андозаларига мос, замонавий тараққиёт билан мутаносиб равишда ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди. Партиясиданги номзоднинг бугунги кунда аҳоли ўртасида талаб ошиб бораётган тиббий муолажаларга, хусусан, трансплантологияга, экстракорпорал урувлантириш ва бошқа замонавий тиббий хизматларга руҳсат бериш тарафдорлигини эълон қилди, қолаверса, хорижий етук тиббиёт марказлари билан ҳамкорлик ўрнатилиши, чет эл врачларининг Ўзбекистон тиббий муассасаларида жарроҳлик операциялари ўтказиш амалиётини кенгайтириш, уларни доимий асосда ишга таклиф қилиш орқали миллий мутахассисларимизнинг малакасини оширишга доир таклифлари сайловчиларнинг диққатини янада жалб этди.

Президентликка номзод Наримон Умаров ва ишончли вакилларининг ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

Моҳигул АБДУЛЛАЕВА, Феруз Жўраев,
Бухоро вилояти, Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот котиблари,
Нурбек АБДУЛЛАЕВ, Олим Хўжаев,
“Адолат” мухбирлари



Тинчликсевар, прогрессив ташқи сиёсат: миллий манфаатлар устуворлиги

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Зеро, ҳар бир давлатнинг халқро майдондаги нуфузи ва ўрни унинг сиёсий, иқтисодий имкониятлари, халқнинг интеллектуал салоҳияти ҳамда маданияти билан белгиланади. Бугунги кунда давлатнинг нуфузини белгилайдиган мезонлар орасида шу давлат юридаётган сиёсат, унинг нечоғли холис, тўғри экани алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш жоиз.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг биринчи йиллариданок прагматик ташқи сиёсий стратегияни ишлаб чиқиб, амалиётга таъбиқ этиётганлигини қайд этиш лозим. Бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатилиш мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялашуви, фаол халқаро сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий

ҳамкорликни амалга ошириш имконини берди. Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг давлат мустақиллиги дунёнинг қарийб 170 га яқин давлатлари томонидан эътироф этилган бўлиб, ҳозирда уларнинг 133 таси билан дипломатик алоқалар ўрнатилган. Бугунги кунда республикада 44 та хорижий давлатларнинг элчихоналари, Европа Иттифоқининг делегацияси, дипломатик макомга эга бўлган 3 та савдо ваколатхоналари, хорижий давлатларнинг 11 та ҳукумат ва ҳукуматлараро ташкилотлари, 4 та халқаро молиявий ташкилотларнинг ваколатхоналари ҳамда 8 та давлатнинг фахрий консуллари фаолият олиб бормоқда. Ўз навбатида, дунёнинг 33 та давлатида Ўзбекистон Республикаси элчихоналари, 10 та давлатда Бош консуллиги, халқаро ташкилотлар қоида 3 та доимий ваколатхоналари очилганини қайд этиш жоиз. Қолаверса, мамла-

кативиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва яна кўплаб халқаро ҳамда минтақавий ташкилотларнинг фаол аъзосига айланади. Бир сўз билан айтганда, жаҳон майдонда Ўзбекистоннинг нуфузини ошириш, уни халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айлантириш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилди. Айниқса, Ўзбекистоннинг тинчликсевар, прогрессив ташқи сиёсати унинг жаҳонда ўз ўрнига эга мустақил давлат сифатида тезда эътироф этилишини таъминлади. Глобаллашув жараёнлари тобора авж олаётган, турли давлатларда қонли можаролар, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар юз бераётган ҳозирги бира пайтда мамлакатимизда тинчлик ва хотиржамликнинг барқарорлиги, миллатлараро

тотувлик ва диний бағрикенгликнинг мустақкамлашгани юртимизнинг халқро майдондаги оубрўси ва нуфузи ортиб боришига хизмат қилди. Шу билан бирга, ҳозирги мураккаб, таҳликали даврда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш — давлатимизнинг мустақиллигини мустақкамлаш, барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шартини ва ғоят муҳим воситасидир. Энг аввало, юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни асраб-авайлаш биз учун ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Албатта, тинч ва осойишта ҳаёт, барқарорлик ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш, курашиш ва фидойилик кўрсатиш, барқарор тараққиётнинг асосий шартини бўлиши тинчликни кўз

қорачиғидек асраш биз учун муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун бундан 4 йил муқаддам қабул қилинган муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси доирасида мамлакатимизнинг оқилона ташқи сиёсатини изчиллик билан давом эттириш лозим. Ушбу доктринал ҳужжат ҳозирги глобаллашув жараёнлари ҳамда дунёда вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, сиёсий ва иқтисодий кучлар жойлашувида рўй бераётган ўзгаришлар, минтақада ва Ўзбекистоннинг шундоқ энгинасида турли таҳдидлар, террорчилик кўришишидаги хавф-хатарлар ва кескинликнинг кучайиши халқаро ва минтақавий воқеаларга ўз вақтида ва муносиб жавоб қайтариш мақсадида давлат ташқи сиёсатининг концептуал асосларини тақомиллаштириш мақсадида қабул қилинган. Халқаро муносабатлар

даги ҳозирги мураккаб шароитда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини янада чуқурлаштириш Ўзбекистон ташқи сиёсати оқилона турган яна бир муҳим вазифа ҳисобланади. Бунинг учун халқаро ташкилотлар, халқаро минтақавий ташкилотлар, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида мувофиқдир. Айниқса, биз учун ён қўшни-жон қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Чунки мамлакатимизнинг ҳаётий муҳим манфаатлари ушбу минтақадаги мамлакатлар билан ҳамкорлик билан қамраб олинган.

Сўнги йилларда Марказий Осиё минтақаси ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти, катта миқдордаги минерал ва хомашё ресурслари туғайли халқаро майдонда жиддий эътибор объектга айланган бўлмоқда. Дунёнинг йирик давлатлари стратегик манфаатларининг бугунги кунда кескинлиги, айрим пайтда эса хатто тўқнашуви юз бермоқда. Ўттиз йилдан зиёд Афғонистонда давом этаётган кескинлик ва қарама-қаршиликлар фикримизнинг яққол далилидир. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолият Концепциясида “Марказий Осиё муаммоларининг ташқи кучлар аралашуви-сиз минтақадаги давлатларнинг ўзлари томонидан ечилиши зарур”лиги алоҳида қайд этилган. Тан

олиш керакки, бу ўта принципиал ёндашув бўлиб, Ўзбекистоннинг минтақадаги барча долзарб сиёсий, иқтисодий, экологик ва бошқа муаммоларини ҳам ўзаро манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган нормалари асосида халқ қилиниши тарафдорлиги эканлигини билдиради. Бошқача айтганда, минтақадаги мавжуд муаммолар ва масалалар Марказий Осиё халқлари томонидан ўзаро ҳамжихатлик ва мурося йўли билан халқ қилиниши керак, четдан туриб бизга бу муаммоларни ҳеч қим халқ қилиб беролмайди.

Қодир Жўраев,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

“Адолат” СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига


Жорий йилнинг 4 декабрь куни мамлакатимизда муҳим сиёсий тadbир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тўртта сиёсий партиянинг барчаси ўз номзодлари билан иштирок этди. Мамлакатимиз сиёсий майдонида 21 йилдан бери фаолият юритиб, ўз ғояларини, дастурий мақсад ва вазифаларини амалиётга татбиқ этиб, халқимиз муайян қатламнинг сиёсий иродасини, манфаатларини ҳимоя этиб келаётган, ўз электоратига, хайрихоҳларига эга бўлган Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳам мазкур муҳим сиёсий тadbирда ўз номзоди билан иштирок этмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Мажитович Умаров 1952 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1974 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-гидрогеолог. Геология-минералогия фанлари номзоди.

Наримон Умаров меҳнат фаолиятини 1974 йилда “Гидроингео” илмий текшириш институтида катта техник ходим лавозимидан бошлаб, илмий ишлар бўйича директор муовини лавозимига бўлган йўлни босиб ўтди.

У мазкур муассасадаги 23 йиллик фаолияти давомида суғуриладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ гидрогеологик прогнозларни ишлаб чиқиш, ер ости сувларидан иқтисодиётда оқилона фойдаланиш йўналишларида тadbирлар олиб борди.

Президентликка номзод Наримон Умаровнинг ҳамкасблари ва партиядошларимизнинг номзодимиз ҳақидаги фикрлари билан куйида танишасиз.



Ботир АБДУЛЛАЕВ,
“Гидроингео” илмий текшириш институти директори:

— Наримон Умаров Ўзбекистонда муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммоларни ҳал этишга, жумладан, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги янги ўзлаштирилган ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва суғуриладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга қаратилган илмий изланишлар олиб борган. Ушбу илмий изланишлар натижалари лойиҳа институтлари томонидан кенг фойдаланилган ва ушбу ҳудудларда ер ости сувлари салбий таъсирининг олди олинган.

Устозимизнинг олим сифатидаги илмий кирраларидан яна бири, бу — республика ҳудудида ер ости сувларидан унумли фойдаланиш бўйича амалга оширилган илмий изланишларидир. Бу йўналишда Наримон Умаров мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқлари ривожланиши учун жуда зарур бўлган сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш масалаларига муҳим эътибор қаратган.

Ушбу даврда Ўзбекистонда мавжуд ер ости сув захиралари аниқланган бўлиб, ушбу сув захираларини ифлосланишдан асраш ва беҳуда ишлатишнинг олдини олиш асосий муаммо, долзарб масала эди.

Наримон Умаров мазкур илмий йўналиш раҳбари сифатида ер ости сувларининг сифатини доимий кузатиш ва назорат қилиш тизимини яратишда катта ҳисса қўшди.

Қолаверса, ўтган асрнинг 70-йиллари Орол денгизи қуриши бошланиб, ушбу экологик ҳалокат оқибатларининг иложи борича атроф-муҳит ва инсонларга салбий таъсирининг олдини олиш масалалари юзага келган давр эди.

Шу даврда мазкур масалада бизнинг институтидаги йирик илмий бўлимлар жалб этилиб, ушбу долзарб муаммони ҳар тарафлама ўрганиш устида иш олиб борган ва айнан Наримон Умаров бу борадаги йирик лойиҳага илмий раҳбарлик қилган.

Натижада ушбу экологик носоз ҳудудга ўта зарур бўлган масала, яъни аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича комплекс дастурлар ишлаб чиқилиб, аниқ амалий муҳандислик-коммуникация тadbирлари амалга оширилди ва ҳудуд аҳолиси ичимлик суви билан таъминланди.

Наримон Умаров изланувчан тadbирчилик сифатида илмий натижаларини амалиётга татбиқ этиш соҳасида муассасамизда танилди. Мамлакатимиз ривожланиши учун ўта зарур бўлган масала — ер ости чуқур сувларидан иқтисодиётнинг барча тармоқларида унумли ва тежамкорлик билан фойдаланиш бўйича илмий ишларга узоқ йиллар мобайнида раҳбарлик қилди.

Яъни, у кишининг раҳбарлигида институтидаги 60 илмий ходимлар шаклланди ва бугунги кунда улар институтининг асосий ходимлари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Мажитович Умаров 1997-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Аналитик назоратга ихтисослашган давлат инспекцияси бошлиғи лавозимида ишлаб, атроф-муҳит муҳит ҳолатини мониторинг қилишида ягона давлат тизимини ишлаб чиқиш бўйича ишларни бошқарган.



Камолiddин СОДИҚОВ,
Аналитик назоратга ихтисослашган давлат инспекцияси собиқ ходими:

— Наримон Умаровнинг бевосита иштирокида республикамизда атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш, ифлосланишнинг олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат мониторинг тизимини яратилди ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорини билан тасдиқланди. Ушбу тизим ҳозирги кунга қадар самарали ишлаб келмоқда.

Бунда республикамизда ушбу соҳадаги ваколатли вазирликларнинг ишлари доимий мувофиқлаштириш ва режалаштиришда Наримон Умаровнинг ҳиссаси жуда катта бўлган. У кишининг саъй-ҳаракати билан атроф-муҳитнинг мониторинг бўйича 5 йиллик давлат дастурлари ишлаб чиқилди ва қўмита қошида ягона Аxbорот-ресурслар маркази ташкил этилди.

Унда республикамизнинг барча ҳудудларида экологик ҳолат бўйича маълумотлар мажмуаси жамланган ва ҳозирда ундан соҳалардаги мутахассислар ва илмий ходимлар фойдаланиб келишмоқда.

Наримон Умаров экология соҳасида йирик лойиҳаларни амалга оширишда ҳам раҳбарлик қилган ва бу борадаги кўпгина ишларга бош-қош бўлган.

Хусусан, Орол денгизининг қуриган майдонларида нефть-газ кидирув ишлари ўтказилиши муносабати билан у кишининг бевосита раҳбарлигида ушбу ҳудудларда хали одам оёғи етмаган, қуш учса қаноти қуядиган жойларда биринчи бўлиб экологик тadbирчилик ўтказилди. Натижада геология соҳаси мутахассисларининг кенг қамровли ишларини ўтказишига замин яратилди ва ҳозирги кунда ушбу ҳудудларда топилган конлардан газ қазиб олишмоқда.

Ушбу лойиҳани амалга оширишда Наримон Умаров кўпқиррали илмий ходим ва олим сифатида ўзини кўрсата олди. Чунки ушбу изланишларда 10 дан ортиқ соҳаларнинг малакали мутахассислари иш олиб борди. Бу борадаги ишларни мувофиқлашти-

риш, ўтказиш, қолаверса, уларнинг натижаларини кўзланган мақсадга йўналтириш осон иш эмас эди.

Бунда Наримон Умаров чуқур билими, ташкилотчи раҳбар ва истиқболли олдинда аниқ кўра оладиган инсон сифатида намойён бўлди.

Мухтасар айтганда, Наримон Умаров нафақат ўз соҳасини, қолаверса, турдош соҳаларни ҳам чуқур билдиган, йирик жамони ҳам самарали бошқара оладиган инсон сифатида танилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Мажитович Умаров 2009-2013 йилларда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси лавозимида фаолият юритиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида кўплаб лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда бевосита иштирок этган.



Нўрмонжон ШОКИРОВ,
Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ходими:

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастурининг бажарилиши натижасида Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятларида 600 мингдан ортиқ аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Термиз ва Қўқон шаҳарлари оқова сув тозалаш иншоотлари реконструкция қилиниб, уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирининг олди олинди.

Н.Умаров раҳбарлигида, айниқса, йирик sanoat корхоналарида экологик тоза технологиялар жорий этилишига катта эътибор берилди. Хусусан, “Олмалик КМК” АЖ ишлаб чиқаришида янги ва кам чиқитли технологияларни жорий этиш асосида янги олтингургурт кислотаси цехини қуриш ишлари якунланиб, атроф-муҳитга зарарли ташланмалар қайтаришга эришилди.

Шунингдек, Наримон Умаров раҳбарлигида давлат дастурларини бажаришда бир қатор вазирликлар, йирик sanoat корхоналари билан ҳамкорлик қучайди ва натижада белгиланган чора-таdbирлар самарали амалга оширилди.

Ушбу мураккаб ишларни амалга оширишда Наримон Умаровнинг тажрибаси, кўйилган мақсадга эришишига ишонч ва профессионал маҳорати, фаолиятини доимий равишда мувофиқлаштириб боришдаги раҳбарлик салоҳияти муҳим роль ўйнаган десак, муболага бўлмайдди. Жумладан, у кишининг кўрсатмалари асосида ушбу дастурдаги тadbирларни амалга оширишда бир қатор халқаро ташкилотларни жалб қилишга ва уларнинг маблағлари мазкур мақсадлар учун йўналтирилишига эришилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай ҳулосага келиш мумкинки, Наримон Умаров раҳбар сифатида олдига қўйилган вазифаларини бажаришда қатъиятли, мақсадга эришишда барча имкониятлардан тўла фойдаланишга инсондир.



Зулфия СУЛАЙМОНОВА,
Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Аналитик назоратга ихтисослаштирилган давлат инспекцияси собиқ ходими:

— Наримон Умаров Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раис-

лиги даврида Ўзбекистонда соҳага долзарб муаммоларни ечишда кўпгина халқаро ташкилотлар билан унумли ҳамкорлик ўрнатилди. Бу борада Ўзбекистонда БМТнинг Тараққиёт дастури билан биргаликда узоқ муддатли лойиҳалар самарали амалга оширилди.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида Кимевий моделларни халқаро бошқаришда стратегик ёндашуви амалга ошириш” лойиҳаси муваффақиятли бажарилди.

Ушбу лойиҳа даврида Наримон Умаров бошчилигида ва бевосита иштирокида кишлоқ хўжалигида ишлатилган ва эскирган пестицидлар, таркибиде симоб мавжуд бўлган чиқиндиларни йўқотиш ёки зарарсизлантириш бўйича Ҳаракат дастури ишлаб чиқилди.

Ушбу жараёнда бир қатор идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг вазифаларини белгилашда лойиҳа раҳбарини сифатида Наримон Умаровнинг ҳиссаси катта бўлди.

Муҳими, республикада кимевий моделларни бошқариш, яъни ишлаб чиқариш, ишлатиш, чиқиндиларни зарарсизлантириш ёки йўқотиш масалалари бўйича миллий Дастур ишлаб чиқилди. Бунда у киши бошқарувчилик маҳоратини намойён қилиб, вазирликларо ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда тажрибали раҳбар сифатида танилди.

Ушбу лойиҳа натижалари Ҳукумат томонидан маъқулланиб, амалиётга жорий этиш вазифаси белгиланди.

Наримон Умаров 2009 йилдан ҳозирги кунга қадар “ЭКОСАН” экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фондиди жамоатчилик асосида бошқариб келмоқда.

Мазкур фонднинг асосий мақсади салбий экологик оқибатларнинг табиат ва атроф-муҳитга, инсонга ва умуман, экосистемага таъсирини камайтириш борасида олиб борилаётган ишларга кўмаклашишдир.



Комилжон Жўраев,
“ЭКОСАН” экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди раиси ўринбосари:

— Наримон Умаров раҳбарлигида “ЭКОСАН” фонди фаолиятининг асосий йўналишлари қайтадан кўриб чиқилиб, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик янада қучайтирилди.


Фонд томонидан аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, атроф табиий муҳит билан уйғунликда муносабатда бўлиш, экологик номақбул ҳудудлардаги гигиеник ва экологик шароитларни яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, муюбйил энергия манбаларини тиббиёт муассасаларига ўрнатиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга хайрия ёрдами кўрсатиш каби масалаларга эътибор қаратиб келинмоқда.

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, 2010-2013 йилларда Туркиянинг ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ТКА) билан ҳамкорликда сув таъминоти бўйича 8 та лойиҳа амалга оширилди. Франциянинг техникавий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ACTED) билан ҳамкорликда “Андижон ва Сурхондарё вилоятлари иштирокида асосланган Барқарор соғлиқни сақлаш” лойиҳаси амалга оширилди, бир қатор семинар-тренинг машғулотлари ўтказилди, маҳаллий аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи бўйича кенг тарғибот ишлари олиб борилди ҳамда 7 та кишлоқ врачлик пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари якунига етказилди.

У кишининг бевосита раҳбарлигида “Сувдан фойдаланиш, истеъмол қилиш ва муҳофазаси ҳуқуқи”, “Экология” каби китоблар тайёрланиб, нашр этирилди.

Фонднинг фаолиятини бошқаришда Наримон Умаров ташкилотчи, долзарб муаммоларга ечим топишда узоқни кўзлайдиган раҳбар, қўл остидаги ходимлар ва халқаро ташкилотлар масъулларини асосий мақсад сари жиғлаштирадиган ҳамда аниқ йўл кўрсата оладиган етакчи сифатида намойён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Мажитович Умаров 2013 йилдан Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси этиб сайланган. Эгаллаб турган лавозимида давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги “Адолат” социал-демократик партияси депутатлик гуруҳларининг фаолиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-таdbирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиб кел-



Олимжон МАКСУДОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган вилоят кенгаши раиси:

— Наримон Умаров раҳбарлигидаги ўзгаришларни биргина Наманган вилояти нисолида оладиган бўлсақ, вилоятимизда Наримон Мажитович ташаббуси ва кўрсатмалари асосида нафақат барча туман, шаҳарлар офислари намунали ҳолга келтирилди, балки ҳар битта туманда камида 3 тадан партиянинг энг куйи бўғинлари ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари ҳам бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳақиқий маънодаги партиянинг асоси, ўзагига айланди.

Яратилган кенг шароитлар партия томонидан аҳоли орасида ўтказилаётган тadbирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги ошишига ҳам хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, партиянинг аҳоли кенг қатламлари орасида танилувчанлиги, обрўси ва нуфузи ортиништириб, аъзолар ва хайрихоҳлар сони изчил ошиб боришига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Наримон Умаровнинг ташаббуси ва жамоани жиғлаштира олиши самараси ўлароқ, партияимизнинг ҳудудий ва куйи тузилмалари ўртасида ўзаро алоқалар ривожланди. Партия ташкилотларини республика ва ҳудудий семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тadbирлар ўтказиш, ўзаро тажриба алмашиш анъана тусини олди.

Албатта, бу каби яратилган шароитларни кўриб халқимизнинг ҳам партияимизга бўлган ишончи янада яхшиланиб, сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш ташаббусини билдиришмоқда.

Наримон Умаров 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди. 2015 йилдан парламент куйи палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шу билан бирга, ўтган йиллар мобайнида партияимиз мафқуравий ва ташкилий жиҳатдан сезиларли равишда мустаҳкамланди. Айниқса, партия тизимида фаолият юритаётган кадрларга бўлган эътибор қучаймоқда. Биргина, жорий йилнинг ўзида партиянинг 30 дан ортиқ ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ташкил этилган махсус ўқув курсларида малакаларини ошириш юқоридаги фикримизнинг далили бўла олади.

Партия тизимида замон талабларига мос юқори салоҳиятли, ўз сиёсий позициясига эга раҳбар ва масъул ходимларнинг фаолият юритишига эришиш мақсадида ўтган йил охири ҳамда жорий йилнинг бошларида аттестациялар ўтказилди. Бунинг натижасида партияимиз тизимида кадрлар кўнимсизлигининг олдини олишга эришилмоқда. Наримон Умаровнинг бу каби амалий ишларининг бевосита ташаббускорлиги сифатида биламиз.

Наримон Умаров Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси раҳбарлигида сайланган дастлабки кўнлардан, биринчи навбатда, партиянинг марказий органларидан тортиб энг куйи тузилмаларига таъкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга эътибор қаратди. Бунинг натижасида ўтган йилларда партиянинг барча туман ва шаҳар кенгашиларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Яъни ҳар бир кенгаш ўз офисида эга бўлди, компьютер ва бошқа техник воситалар, тарғибот материаллари билан тўлиқ жиҳозланди. Бир сўз билан айтганда, партиянинг куйи ташкилотларини қучайтириш орқали

партиянинг куйи бўғинлари республикамиздаги ҳар бир кишлоқ, овул, маҳалла ва хонадонларга кириб бориши, аҳолининг барча ижтимоий қатламлари билан мулоқотга киришиш имкониятига эга бўлди.



Олимжон МАКСУДОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган вилоят кенгаши раиси:

— Наримон Умаров раҳбарлигидаги ўзгаришларни биргина Наманган вилояти нисолида оладиган бўлсақ, вилоятимизда Наримон Мажитович ташаббуси ва кўрсатмалари асосида нафақат барча туман, шаҳарлар офислари намунали ҳолга келтирилди, балки ҳар битта туманда камида 3 тадан партиянинг энг куйи бўғинлари ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари ҳам бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳақиқий маънодаги партиянинг асоси, ўзагига айланди.

Яратилган кенг шароитлар партия томонидан аҳоли орасида ўтказилаётган тadbирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги ошишига ҳам хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, партиянинг аҳоли кенг қатламлари орасида танилувчанлиги, обрўси ва нуфузи ортиништириб, аъзолар ва хайрихоҳлар сони изчил ошиб боришига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Наримон Умаровнинг ташаббуси ва жамоани жиғлаштира олиши самараси ўлароқ, партияимизнинг ҳудудий ва куйи тузилмалари ўртасида ўзаро алоқалар ривожланди. Партия ташкилотларини республика ва ҳудудий семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тadbирлар ўтказиш, ўзаро тажриба алмашиш анъана тусини олди.

Албатта, бу каби яратилган шароитларни кўриб халқимизнинг ҳам партияимизга бўлган ишончи янада яхшиланиб, сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш ташаббусини билдиришмоқда.

Наримон Умаров 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди. 2015 йилдан парламент куйи палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.



Ёрмат ХОЛИЁРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Наримон Умаров жонқуяр раҳбар сифатида партияимиз Сайловолди дастурида белгиланган ғоя ва мақсадларни ҳаётга кенг жорий қилишга қаратилган ташаббуслари ҳамда ёшу қари ва барча фуқаролар билан уларга хос бўлган оддий тилда сўзлаша олиши ҳисобига электоратимиз ва сайловчилар орасида хурмат, эътиборга сазовор бўлиб келмоқда.

Номзодимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимизнинг раҳбари сифатида қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил жараёнларида чуқур билим ва ҳаётий тажрибаси, ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилиятларини намойён қилиб келмоқда. У кишига хос бу каби хусусиятлар партияимиз дастурида белгиланган устувор вазифалар доирасида қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишида яққол намойён бўлмоқда.

НОМЗОД Наримон Умаровга овоз беринг!



Наримон Умаров раҳбарга хос шижоат ва барча масалаларга ўз вақтида ҳамда ишонч билан ёндашиш қобилиятига эга раҳбар. Н.Умаров мамлакатимизнинг узок тоғли ҳудуди Олтинсой тумани сайловчиларнинг электр таъминоти масаласидаги мурожаатларини Вазирлар Маҳкамаси билан ҳамкорликда биринчилардан бўлиб инновацион ечим қўллаш орқали ҳал этилишига эришди. Яъни куёш энергиясидан электр энергияси ишлаб чиқариш қурилмасини Халк банки истемвол кредити ҳисобига ўрнатди, муаммони ҳал этиш механизминини ишлаб чиқди ва бугунги кунда мазкур амалиёт ҳаётга татбиқ қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Наримон Умаров ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридagi Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил – Омбудсман фаолиятига масъул сифатида самарали иш олиб бораётгани ҳам у кишининг серкирра раҳбар эканлигидан далолат беради.

кучайди. Хусусан, фракциямиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг тегишли масалалар бўйича ахбороти га оид парламент эшитувлари ўтказилди ва ижро органларига тегишли топшириқлар берилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг ана шундай ижобий натижаларга эришишида, шубҳасиз, партия Сийёсий Кенгаши раиси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Наримон Умаровнинг хизматлари бекиёсдир.



Умаров ШОУМАРОВ,
халқ депутатлари Ташкент вилояти Кенгаши депутати:

— Наримон Умаров раҳбарлигида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг депутатлик корпуси ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан ўсшига эришганлигини алоҳида айтиб ўтиш лозим.

Ўзимизнинг далили сифатида 2014 йилда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига бўлиб ўтган сайлов натижаларига кўра маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз депутатлари сони деярли икки баробарга кўпайганлигини эътироф этиш мумкин.

У кишининг партия раҳбари сифатида депутатлик гуруҳлари фаолиятига доимо эътибор ва талабчанлик билан ёндашишлари натижасида маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизнинг иш самардорлиги ҳам ошиб бормоқда.

Масалан, халқ депутатлари Ташкент вилояти Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз томонидан ўтган икки йил мобайнида электротартиб манфаатлари ва Сайловолди дастуримиздан келиб чиқиб, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши сессияларига 13 та, доимий комиссиялар йиғилишларига 27 та масала киритган бўлсак, 24 мартаба мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини тинглашга эришдик.

Уларда вилоятчи ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастуридан тортиб, уй-жой-коммунал хўжалиги соҳаси, йўл-транспорт инфратузилмаси, муқобил энергетика ҳамда ижтимоий соҳага доир ечимини кутаётган масалалар юзасидан таклифлар илгари сурилди.

Сайловчиларнинг мурожаатларидан келиб чиқиб, уларни ҳал этиш юзасидан фойдаланган ҳолда халқ эътиҳиди ташкилотчилиги, жонқуярлиги ва халқ манфаатлари йўлидаги фидойилиги бор десак, муболага бўлмайди.

Буларнинг барчасида партиямиз раҳбари Наримон Умаровнинг ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни депутатлик корпуси ваколатларидан фойдаланган ҳолда халқ эътиҳиди ташкилотчилиги, жонқуярлиги ва халқ манфаатлари йўлидаги фидойилиги бор десак, муболага бўлмайди.



Адолат ЯХЕЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Мирзо Улўбёк туман кенгаши раиси:

— Наримон Мажитович партиямиз етакчиси сифатида Сайловолди дастуримизда илгари сурилган мақсад-вазифаларни амалиётга татбиқ этиш, дастурий ғоя ва максалларимизни аҳолининг кенг қатлами орасида тарғиб қилишда ҳам бизга асосий йўлбошчи бўлиб келмоқда. У кишининг жонқуярлиги, хар бир масалага кўп йиллик ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб ижодий ёндашуви, партия ташкилотлари ва ходимлари

га дастурий вазифаларни аниқ белгилаб бериши натижасида партиямизнинг аҳоли ўртасида обрўсини янада оширишда эришиб келмоқдамиз.

Биргина Ташкент шаҳар Мирзо Улўбёк туманида олиб борилаётган фаолиятимизни атрофлича таҳлил қиладиган бўлсак, жойларда партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалиётга самарали татбиқ этишимиз натижасида аъзоларимиз сони сўнгги йилларда сезиларли даражада кўпайиб бормоқда. Аъзоларимиз сафининг кенгайишида кенгашимиз томонидан тарғибот-ташвиқот ишларининг тизимли олиб борилиши катта аҳамият касб этмоқда. Жумладан, партиянинг амалий ҳаракатлар Дастури асосида ишлаб чиқилган партиявий лойиҳалар доирасида туркум тadbирлар, кўрик-танловлар ва акциялар ўтказиб келинмоқда.

Шу билан бирга, туманимиз аҳолиси, айниқса, ёшлар ва аёлларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида ҳам бирмунча амалий ишларни олиб бормоқдамиз. Хусусан, туманимиздаги "Ёш адолатчилар" қаноти кенгаши томонидан тарғибот-ташвиқот гуруҳлари ташкил этилиб, улар томонидан ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида тахсил олаётган ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, фаол фуқаролик позицияларини шакллантириш мақсадида турли мавзуларда мутахассислар, эксперт ва депутатлар иштирокида давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар ўтказиб келинмоқда.

Бунинг натижасида партиямизнинг ижтимоий лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишда ёшлар қатлами ҳам ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифлари билан фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, "Ватан келажиги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасидан иш-шолар танловида туманимиздан 500 га яқин ёшлар иштирок этганлиги, энг долзарб муаммоларни илгари сурган ёшларимизнинг 25 йиллиги муносабати билан партия томонидан чоп этилган "Истиклол шукухи" лoғмиди иш-шолар танловидадан жой олгани бизни қувватлади.



Дониёр КОСИМОВ,
Республика Онкология илмий текшириш маркази қопидаги бошланғич партия ташкилоти раиси:

— Бошланғич партия ташкилоти партиянинг ўзаги ҳисобланади. Ўзакнинг мустаҳкам бўлиши келгусида партиянинг мамлакат миқёсида ўз нуфузини янада оширишда, фаолият сифатини кучайтиришда зарур, шундангина БПТ партиянинг чинакам таъинчи бўла олади. Наримон Умаров партия раҳбарлигига келган илк кунларидан охиригача айна шу фикр-партия ҳаётига кенг татбиқ этишдан бошлади. Бу йўлда бошланғич партия ташкилотларининг ҳам моддий-техник ҳолатини, ҳам мафқуравий фаолиятини жонлантириш бўйича бир қатор амалий ишлар олиб борилди. Айна шу саъй-ҳаракатлар натижасида бугунги кунда партия тизимидаги БПТлар фақатгина маълум бир аъзоларни ўзида бirlаштириб турувчи қўйи партия ташкилоти эмас, балки мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида бевосита иштирок этувчи фаол сиёсий бирлашмага айланди.

Буни биз 2014 йилдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда БПТлар бевосита партиянинг барча тарғибот-ташвиқот ва ташкилий тadbирларида самарали иштирок этганида ҳам аққол ҳис этдик. Хусусан, кузатувчи, ишончли вакил ва ваколатли вакиллар асосан БПТ аъзолари таркибидан шакллантирилган шулар жумласидандир.

Сиёсий куч ўз одига қўйган максалларини рўёбога чиқариши, аввало, уни амалга оширувчи мустаҳкам тизим шаклланган бўлишини талаб этади. Чунки илчил ишлаётган тизим орқали хар бир вазифа муваффақиятли бажарилади. Наримон Умаров партиянинг барча бўғинида

ги тузилмаларини давр талаби даражасида шакллантириш жараёнида шу муҳим жиҳатни кўп таъкидлаб, амалга ошириб келаятган партия раҳбаридир. Бунда, айниқса, партиянинг таъинчи бўлган БПТлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, сафдошларимизнинг сиёсий билимларини ошириш чора-тadbирларига катта эътибор ва амалий кўмак берилганини қайд этиш жоиз. Бу долзарб масалалар ҳудудий партия ташкилотларининг асосий вазифаларига айланган.

Бошланғич партия ташкилотларининг ташаббусларини рағбатлантириш, уларнинг аҳолининг барча қатламлари билан яқин алоқада иш олиб бориши, партиянинг юқори ташкилотлари, маҳаллий вакиллик органларида фаолият юритаётган депутатлари билан ҳамжиҳатликда фаолият юритиш доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Негаки, бу омиллар орқали жамиятда қонуни устуворлигини таъминлашга, ҳудудларни хар томонлама ривожлантиришга эришилади, тараккиётга тўсик бўладиган мавжуд камчилик ва муаммоларни ўрганиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқароларнинг таклифлари ҳамда мурожаатларида келтирилган масалалар юзасидан аниқ ишлар йўлга қўйилади. Бу борада амалий тажрибаларга эгамиз, тизимдаги ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиладиган амалий тadbирлар таҳлилига таяниб, хар бир БПТ фаолиятида ҳам ана шундай аниқ ишларга етарли мисоллар келтириш мумкинлигини қайд этиш жоиз.



Вилоят АКРОМОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Ташкент вилоят кенгаши

"Аёллар қаноти" кенгаши раиси: — Маълумки, "Адолат" социал-демократик партияси ҳамisha жамиятда хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиб келган. Хусусан, партиямиз жамиятда гендер тенглиги масаласини ёқлаб, хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятлар учун интилишини қўллаб-қувватлайди. Бу борада хотин-қизларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлик ва месслашувини таъминлайдиган дастурларни қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг тўлқ ва тенг иштирокини таъминлаш, хотин-қизларнинг давлат органларининг барча бўғинларида қарор қабул қилиш жараёнида иштирокини кафолатлаш каби вазифалар партиямиз учун энг устувор йўналишлар саналади.

Бу ҳақда гап кетганда, партиямиз Сийёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров партиямизнинг хотин-қизларга қаратилган сиёсатини, бу борадаги лойиҳа ва тadbирларни ҳамisha қўллаб-қувватлаб, партиянинг "Аёллар қаноти" кенгаши ташаббусларига хайрихолик билдириб келаятганини алоҳида қайд этиш жоиз. Бунинг самараси ўлароқ, партиямиз аъзолари таркибида хотин-қизларнинг улushi ҳозирда 51 фоизга яқин, яъни 72 миң нафардан ортгани эътирофга лойик.

Наримон Умаровнинг партиямизга раҳбарлиги даврида "Аёллар қаноти" ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамланди. "Аёллар қаноти" аъзоларини иш фаолиятида партиявий ишларда ташаббускорлик ва иланувчанлиги ортди, ўз мавқени кўтаришга бўлган интилиш, мамлакат сиёсий макониди ўз салоҳиятини кўрсатишга бўлган иштиёқ кучайди. Партиянинг "Аёллар қаноти" аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларида ўз вакилларига эга бўлдилар.

Айниқса, давлат ва жамиятни бошқаришда хотин-қизларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида миллий сайлов қонунчилигимизда сиёсий партиялар томонидан ҳокимият вакиллик органларига сайловларда депутатликка номзодларни кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота белгилашни Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси учун ҳам бу борада янги имконлар яратди.

Хусусан, 2014 йил декабрь ойида ўтказилган сайлов натижасига кўра, партиядан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 2 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Ташкент шаҳар Кенгашларига 26 нафар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига 197 нафар аёл депутат сайланишига эришилди.

Айнан Наримон Мажитовичнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги остида партия амалий ҳаракатлар Дастурининг ижросини таъминлаш, партия сафидаги аёллар фаоллигини янада ошириш, уларнинг ташаббускорлик ва ижодкорлик қобилиятларини рағбатлантириб бориш, партия тизимида ташаббускор ва фаол аёллар сонини кўпайтириш мақсадида "Йилнинг энг фаол адолатчи аёли" кўрик-танлови таъсис этилиб, анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Шу билан бирга, "Аёллар қаноти" томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, оиладаги маънавий муҳитни янада яхшилаш, хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашга ёрдам бериш, эрта никоҳларнинг олдини олишга йўналтирилган лойиҳалар амалга оширилишида партиямиз раҳбарининг кўрсатма ва таклифлари муҳим омил бўлиб келмоқда.

Бундан ташқари, Наримон Умаровнинг бевосита ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бир қатор тижорат банклари билан ҳамкорликда партия Сийёсий Кенгаши ва "Аёллар қаноти" томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни янада ривожлантириш, айниқса, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, хотин-қизлар тadbиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳа амалиётга татбиқ этиб келинмоқда.

Ушбу лойиҳа доирасида ўтган икки йил мобайнида республикамизнинг ҳудудларида ўтказилган тadbирларда тadbиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган коллеж битирувчилари ва хотин-қизларнинг ташаббуслари ва бизнес лойиҳалари қўллаб-қувватланиб, уларга банкдан имтиёзли кредит олишлари учун сертификатлар топширилди.

Умуман, буларнинг барчасига Наримон Умаровнинг ҳамхўр раҳбар сифатида ташаббускорлиги, меҳнатсеварлиги, талабчанлиги ва бой ҳаётий тажрибига эга эканлиги туфайли эришидик десак, муболага бўлмайди.

Анвар ЭГАМҚУЛОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП "Ёш адолатчилар" қаноти кенгаши фаоли:



— Юртимизда айна вақтида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнини, яъни кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик

давлат қуришдек эзгу мақсадимизни аҳолининг асосий қисминини ташкил этувчи ёшлар иштирокида тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурида ва узок муддатли амалий ҳаракат Дастурида ёшларга қаратилган алоҳида сиёсий фаолияти билан ажралиб туради.

"Ёш адолатчилар" қанотининг бугунги кунда сезиларли даражасида мавқеи ошганлигини айтиш ўринлидир. Н.Умаров ўш сафдошларимизга жамиятнинг муҳим қатлами ва келажик сифатида қараб, уларнинг мустақил фикр ва кенг дунёқарашга эгалиги, шунингдек, ҳаракатчанлиги ва интилувчанлигини, замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишдаги кенг имкониятларини инobatга олган ҳолда ўз фаолиятини олиб боради. Бундан кўзланган асосий мақсад мамлакатда янги инновацион иқтисодиёт юзга келаятган, таълим тизими тараккиёт топаётган, бандлик даражаси ўсаётган, соғлом турмуш тарзининг кенг имкониятлари яратилаётган шарoитда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг мафқураси ва дастурий ғояларига сadoкатли ёш йигит-қизларни ягона эзгу мақсад йўлида сафарбар этишдан иборатдир.

Н.Умаровнинг оқилона олиб бораётган фаолияти натижаси сифатида маълумот ўрнида айтadиган бўлсак, сўнгги йилларда партиямиз сафларида ёшларнинг иштироки сезиларли даражада ошганлиги ҳам партиямизнинг халқимиз орасида танилиб бораётганлигидан далолат беради. Бугунги кунда партиямиз умумий аъзолари сонининг 42 фоизини ёшлар ташкил этиши ҳам бизнинг нақадар катта кучга эга эканлигини мизни билдиради.

Ҳозирда партиямиз сафларида ўзининг фаоллиги, интеллектуал салоҳияти, ижодий қобилияти билан юксак муваффақиятларга эришиб келаятган ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Жумладан, бугун "Ёш адолатчилар" қаноти сафларида 20 дан ортик давлат стипендиатлари ҳамда ўндан ортик Зулфия номидидаги Давлат мукофоти соҳиблари, спортнинг бир неча турлари бўйича Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионлари 40 дан ортик, илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича республика ва халқаро фан олимпиадаларининг 20 га яқин совриндорлари ҳамда санъат турлари бўйича халқаро фестиваллар лауреатлари ва бошқа кўплаб ютуқларга эришган ёшларимиз борки, улар ўз билим ва қобилиятлари билан нафақат мамлакатимиз тараккиётига, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилмоқдалар, балки партиямиз дастурий ғояларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилишда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Н.Умаров раҳбарлигида парламент ва маҳаллий вакиллик органларига сайловда "Ёш адолатчилар" қаноти сафларидан кўрсатилган номзодларимизнинг кўпчилиги депутатликка сайланишга муваффақ бўлганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Наримон Умаровнинг бевосита ташаббуси билан бугунги кунда партиямиз дастурий мақсад ва вазифаларини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида "Ватан келажиги ёшлар қўлида", "Фикр-ғоя-ҳаракат", "Биргалликда юксак ҳуқуқий маданият сари", "Конституция – адолат мезони", "Ўзбекистон – инсон кадри улдулган юрт", "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" каби лойиҳалар доирасида кўплаб сиёсий-ҳуқуқий ва тарғибот тadbирлари ташкил этиб келинмоқда.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси жорий йилнинг 4 декабрь куни мамлакатимиз келажиги учун ўтказиладиган муҳим сиёсий тadbирда ўз номзоди билан иштирок этар экан, хар доим ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосидаги ҳуқуқий-демократик давлат, маънавий жиپслашган адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш тарафдори бўлиб қолади.

Ташаббус бирники, самараси мингники!

➤ БПТ НИМАЛАРГА ҚОДИР!

— Бугун қишлоқдаги аграр ислохотларнинг мазмун-моҳияти инновацион ғоя ва янги технологияларни жорий этишга қаратилганлиги билан қимматлидир, — дейди Тайлоқ туманидаги сабза-вотчилик ва боғдорчилик фермер хўжалиги раиси, Ўзбекистон “Адолат” СДП бошланғич ташкилоти раҳбари Маҳмуда Бойназарова. — Тажриба шуни тасдиқламоқда. Биргина Самарқанд вилоятида салкам икки минг гектар майдонда барпо этилган томчилатиб сугориладиган интенсив усулдаги боғлардан оддий шариоатдагисига нисбатан беш-олти баробар кўп ҳосил олинмоқда. Иқтисодий самарадорлик фермернинг рўзғорига, янги техника сотиб олишида, кўркам иншоотлар қуришида шундоққина кўриниб турибди.



дан излайдиган бўлак, аввало мулкка эгалик, янгиликка интилувчанлик ва илғор тажрибаларни тезкорлик билан жорий этиш қандай самара бераётганлигини яққол ҳис этамиз. Фермер хўжалигига қарашли 13 гектарлик токзорнинг ҳар гектари 30-40 тоннадан узум беради. Ғаллазорнинг ҳосилдорлиги ҳам 50-60 центнердан кам бўлмаётган. Йил якунига кўра, хўжалик юз миллион сўм даромад олишни мўлжаллаётган.

Маҳмуда она фермерликдан топилаётган даромад орқасидан фарзандларини моддий таъминлаётганидан, уларга чиройли кийим-бош, компьютер сотиб олиб бераётганидан, ховли тўйларни ўтказиб туришидан хурсанд.

— Катрада кўёш акс этганидек, менинг оиланинг бахти мамлакат фаровонлигининг ишонаси, — дейди суҳбатдошимиз. — Партия аъзоси сифатида мен қишлоқда ишлаб чиқаришни янги ғояларга таяниб ривожлантириш зарурлигини доимо тарғиб этаман. Икки гектар майдонда қўшимча равишда интенсив боғ барпо этаётганимиз ва голланд мевали дарахтларини парваришларини қандай эпалаётганимиз билан қизиқувчилар кўпайганлиги ҳам ана шу тарғибнинг давоми.

Маҳмуда Бойназарова сиёсий ташкилотчи ва партия ғояларининг етук тарғибчиси сифатида ҳам ибратта лойиқ ишлардан амалга оширмоқда. У фермер хўжалиги қошидаги бошланғич партия ташкилоти раиси ҳисобланади. БПТнинг 15 нафар аъзоси ҳар соҳада фаол, ҳозиржавоб, электорат мурожаатларига ҳамиша сезгир муносабатда бўлишга ҳаракат қилинади. Тайлоқ туманининг ўн минг нафардан зиёд аҳолиси истиқомат қилаётган “Сочак”

қишлоғида 2 миллиметр масофада ички йўл асфальтлаштирилгани, табиий газ таъминоти изга туширилгани БПТнинг жамоатчилик назоратини изчил йўлга қўя олгани самарасидир.

— Биз партия аъзолари билан маҳалладаги қишлоқдаги юз нафар хотин-қизни касаначилик ишига жалб этдик. Уларга меҳнат дафтарчаларини очтирдик, — дейди Маҳмуда Бойназарова. — Энди уларнинг оила даромадига даромад қўшилишидан бўлди. Мухими, хотин-қизларимиз ўзларини жамиятнинг тенг ҳуқуқли қишлоқлари деб ҳис этишмоқда.

— Шугина эмас, БПТнинг партия дастуридан келиб чиққан ҳолда муқобил энергиядан фойдаланишни тарғиб этиш борасидаги ишлари ҳам эътиборга лойиқ. Ана шу тарғибот тўғрисида кўра вақтда 6 та хонадонда кўёш батареяси ўрнатилди, — дейди бошланғич партия ташкилоти аъзоси Мансур Раҳмонов. — Унинг афзаллигини эса ҳамма тушуниб етаетти.

Демак, партиядошимиз нафақат фермер, балки аграр сиёсатининг жонқуяр тарғибчиси сифатида қишлоқ иқтисодиётини юксалтириш, турмуш фаровонлигини оширишда ўрнатилган ишлари билан ҳам эътиборга лойиқ. Маҳмуда онага яхши ҳислат ва фазилат билан эл назарига тушишнинг ўзи катта бахт, эзгу ишларинингиз кўпайсин, деймиз.

Зоҳир Тўрақулов, “Адолат” муҳбири

Шу ўринда бугунги кунда қишлоқ ишлаб чиқаришни ҳар томонлама рағбатлантириш аграр сиёсатнинг негизига айланганлигини таъкидлаш жоиз. Чунки бу ҳар бир фермер, ҳар бир оила ва широктада бутун мамлакат фаровонлигини таъминлашнинг ишончли йўли. Партияимиз дастурда ҳам қишлоқда яшаб моддий неъматлар ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий имтиёزلар пакетларидан мумкин қадар тўла фойдаланишлариға имкон яратиш ҳақида алоҳида қайд этиб ўтилган. Шундай муносабат шаклланди ва кўп пул тўлаши лозим” деган тамойил тарафдорлик ҳам юқори бўлади.

Бу фикрларнинг исботини партиядошимиз бошқараётган “Маҳмуда Субхонова катта боғи” фермер хўжалиги фаолияти-



➤ ТОЗА ТАБИАТ — СОФ КЕЛАЖАК УЧУН

Бугунги глобал тараққиёт шариоатида жамиятда экологик онг ва маданиятни шакллантириш ҳамда ривожлантиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Экологик муаммоларнинг олдини олиш ҳар биримизга боғлиқ

Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастурида партияимиз экологик муаммоларни ҳал этишда ўз саъй-ҳаракатларини, биринчи навбатда, ушбу муаммоларнинг иқтисодий жиҳатларига қаратишни, “Ифлослантирувчи тўлаши ва кўп пул тўлаши лозим” деган тамойил тарафдори эканлиги, Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёси дахлсизлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда яқиндан ҳамкорлик қилиши таъкидлаб ўтилган.

Қорақўл туман партия кенгаши томонидан “Экологик онг ва маданиятнинг шаклланиши” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда туман партия кенгаши ходимлари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси туман бўлими вакиллари, ёшлар ва маҳаллалар фаоллари иштирок этишди. Партияимизнинг “Тоza табиат — соф келажак учун” лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда мутахассислар экологик онг нима, унинг муаммоларини ўрганишда нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида сўз юритишди.

— Инсон ҳаётининг ҳар лаҳзаси, ҳар нафаси бевосита она табиат ва ундаги унсурлар — ер, сув, тупроқ ва ҳаво билан боғлиқ, — деди Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Қорақўл туман бўлими раҳбари Комил Қодиров. — Табиат доимо бизнинг руҳиятимиз ва ижтимоий ҳаётимиз билан ҳамнафас равишда уйғунлашиб келган. Бу табиий уйғунликни англаб етмаслик табиат ва ундаги неъматларга зарар келтириши мумкин, бу инсон саломатлиги ва ҳаёт тарзига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

— Буюк алолама Абу Али ибн Сино чанг ва губор бўлмаса, инсон минг йил умр кўришини айтгани бежиз эмас, — деди халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Раъно Шукруллаева. — Экологик муаммоларни бартараф этиш ва янги экологик муаммоларнинг олдини олиш ҳар биримизга боғлиқ. Туманимизда табиатни асраш ва ёшларнинг экологик онги ҳамда маданиятини шакллантириш мақсадида қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Табиат инсонларнинг барча моддий, маънавий, руҳий эҳтиёжларини қондирувчи асосий манба, уни асраш ва ундан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш инсоний бурчимиз саналади. Тадбирда табиатга нотўғри муносабатда бўлиш, унга зарар бериш салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги видеоролик асосида кўрсатиб ўтилди.

Моҳиғул АБДУЛЛАЕВА,
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

Фаолият янада такомиллашади

➤ ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИДА

Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП гуруҳи Кенгаш сессияларида ташаббускорлигини намоён этиш билан бирга фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш йўналишида ҳам самарали иш олиб бормоқда. Бу борада депутатлик гуруҳининг ҳар бир аъзоси муайян тажрибага эга саналади.



Депутатлик гуруҳи томонидан мутасадди ташкилот ва мутасадди раҳбарлари номига йўриқланган депутатлик сўровларининг мазмун-моҳиятини таҳлил этар эканмиз, мазкур сўровлар тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларига уларнинг ваколатига кирувчи масалалар ҳақида депутатлик сўрови билан таъминлашда узилишлар рўй бераётганлигини билдирдилар ва аҳолини ўзгартаришда қўмақ сўраганидан. Депутат тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда масалани пухта ўрганди. Маълум бўлишича, мазкур ҳудуддаги кичик станцияни таъмирлашга эҳтиёж юзага келган. Наманган ҳудудий элекстр тармоқлари корхонаси раҳбарияти айтиш пайтда мазкур масала устида иш олиб бормоқда. У тез орада халб бўлади, деб ўйлаймиз.

Депутатлик гуруҳимизнинг яна бир аъзоси Аваз Ибрагимовга мурожаат қилган сайловчилар ҳам Наманган шаҳрида куз-киш мавсумида электр қуввати таъминоти пасайиб кетишининг олдини олишда ёрдам сўраганлар. Депутатлар, ўз навбатида, ўтган йилги иш натижаларини таҳлил қилиб, қишга пухта тайёргарлик кўрилмаганлиги учун шундай ҳолатлар юз берганини аниқлаган. Ана шу ҳолатлар асосида тайёрланган депутатлик сўровида бу йилги мавсумга қандай ҳозирлик кўрилганлиги масаласи тилга олинган. Ҳозирда бу муаммони бартараф этиш имконияти яратилиб, мутасадди ташкилот томонидан куз-киш мавсумида электр қуввати таъминоти юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Айни пайтда депутатлик гуруҳимиз халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда энергия сизимларини қисқарттириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар билан боғлиқ яна бир масалани кiritиш устида ишламоқда. Шу мақсадда Наманган элекстр тармоқлари ҳудудий корхонаси мутахассисларидан иборат гуруҳ бизга мониторинглар ўтказиш, бошқа шу каби масалаларда ёрдам кўрсатиши ҳақида мазкур ташкилот билан келишиб олинди.

Бугунги тезкор давр янада мураккаб ва долзарб вазифаларни олдимизга қўймоқда. Шунинг назарда тутиб партиянинг вилоятдаги ташкилотлари билан ҳамжиҳатликда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ва депутатлар фаолиятини янада такомиллаштиришга ҳаракат қилаёмиз.

Олимжон МАҚСУДОВ,
халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП гуруҳи раҳбари

➤ ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Ўз сафига 500 нафарга яқин аъзони бирлаштирган Ўзбекистон “Адолат” СДП Деҳқон-обод туман кенгаши юртимизда амалга оширилган туб ислохотлар самарасини кенг тарғиб қилиш, шу йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Президент сайловига пухта ҳозирлик кўриш, ҳудудда партия нуфузини ошириш, айниқса, партия сафларини юрт тараққиёти учун курашга бел боғлаган фаол, сиёсий етук ёшлар билан кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

ЁШЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Шу мақсадда корхона, ташкилот ва маҳаллаларда “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур”, “Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди”, “Соғлом она — соғлом бола” каби мавзуларда уюштирилган 30 дан ортиқ тадбирлар минглаб иштирокчиларда илқ таассурот қолдирди. Энг муҳими, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг дастурий режаларида ҳам алоҳида эътибор қаратилгани фуқароларга тарғиб этиляпти.

Деҳқон-обод туманидаги “Ўзбекистон” қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этилган “Ёшлар — бизнинг келажакимиз” мавзусидаги давра суҳбати ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди. “Ватан келажаги ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида ўтказилган ушбу тадбирда партиянинг ёшлар сиёсати, аввало, ўсиб келаётган авлод камолотиға қаратилгани таъкидланди.

Бугунги кунда тумандаги минглаб ўқувчиларнинг 100 дан ортиқ умумтаълим мактабларида халқаро андозлар даражасида билим олаётгани, 5 та коллежда илм-фан сирларини пухта эгаллаш билан бирга, ўз кизиқлиги ва қобилиятиға кўра муайян касб-хунар эгаси бўлиб етишяётгани фарзандларимизнинг дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган камолга етаётганидан далолат беради.

Туман партия кенгаши раиси Жовли Сатторовнинг ёшлар манфаатини йқодлаш ва уларни амалга оширишда Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг қўйи ташкилотлари олдига турган долзарб вазифалар мавзусидаги фикр-мулоҳазалари иштирокчиларга катта қизиқини уйғотди.

— Ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга, қўйи ташкилотимизнинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш фаолиятимизда асосий вазифалардан саналади, — деди Ж. Сатторов. — Туманимизда 250 нафар ёш маҳаллаларимизни бирлаштирган “Ёш адолатчилар” қаноти аъзоларининг ташаббусларини рўзба қилишга катта эътибор бераёмиз. — Ёшларнинг салоҳиятини Ватан равнақиға йўналтириш муҳим вазифамиз ва эзгу мақсадимизға айланган. Бу вазифани муваффақиятли бажаришда эса ёшларнинг ўз қобилиятларини кўрсатишлари учун мавжуд шарт-шароитларни доимий равишда яхшилаб бориш чораларини кўраймиз. Оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлигини янада кучайтириш, ёшлар тарбиясида бўшлик пайдо бўлишининг олдини олиш, ҳар қандай жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш энг тўғри ва оқилона йўл эканини ёшлар онига синдиришга ҳаракат қилаёмиз. Зеро, ёшлар келажакимиз эгалари, уларнинг салоҳияти, таълим-тарбияси ва шижоати истиқболимизни белгиллаб берувчи асосий омиллардандир.

Партия ходимлари, маҳалла фаоллари иштирок этган тадбирда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Абдуқасимов Аҳмедов, туман бош имом-хатиби Элёр Хонимов, “Камолот” ЁИХ туман кенгаши раҳбари Хусниддин Жумаев, “Ўзбекистон” ҚФЙ раиси Нуртожи Чориев, БПТ раиси Улуғбек Ярбоёев ва “Ёш адолатчилар” қаноти етакчиси Муҳайё Сафаровалар ўз сўзида ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитлар уларни жамиятнинг эртанги кунига ҳақиқий ворислар этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаётганлигини таъкидлашди.

Тадбирда партиявий ишларда ибрат кўрсатаётган фаолларга фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Давра суҳбати якунида қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлардан 30 нафари партия аъзолиғига қабул қилиниб, уларга партия билетлари топширилди.

Комил САХАТОВ,
“Адолат” муҳбири

Қизиқарли мулоқот иштирокчиларнинг сиёсий билимларини бойитди

Юртимизда кечаётган сиёсий жараёнлар, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшлар тобора фаолроқ иштирок этаётгани қувонарлидир. Бу, ўз навбатида, жойларда ўтказилаётган ижтимоий, сиёсий мавзудаги тадбирларнинг самарасини ҳам кўрсатади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Умид Сулаймоновнинг Фарғона вилояти ёшлари билан учрашуви ҳам шу мақсадга қаратилди.

Асосан ҳуқуқшунослик йўналишида таълим олаётган коллеж битирувчилари иштирок этган учрашуvida дастлаб вилоят партия кенгашининг “Ёш адолатчилар” қаноти томонидан тайёрланган “Биринчи мартаба сайловда қатнашман” деган мавзудаги видео-ролик намойиш этилди. Ушбу видео-роликнинг аҳамияти, мазмуни ёшларнинг қизиқарли фикр алмушувига сабаб бўлди.

Қонунчилик палатаси депутати Умид Сулаймонов ёш ҳуқуқшуносларининг қарашлари, фикр-мулоҳазаларини тинглаб, уларнинг ҳулосаларини қўйи асослар билан шарҳлаб ўтди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, миллий сайлов қонунчилигининг негизлари ҳусусида батафсил маълумотлар берди.

— Учрашуvida мустақил фикр ва кенг дунёқарашга эга, шунингдек, ҳаракатчан ва интилувчан, замонавий ёшларни кўриб, мамлакатимизда таълим тизими самарали ривожланаётгани, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари кун сайин юксалиб бораётгани яна бир бор гувоҳ бўлдик, — деди У. Сулаймонов.

Партияимизнинг “Ватан келажаги ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида ўтказилган мазкур учрашуvida депутат ёшларнинг сайлов ва сайлов кампанияси борасидаги билимларига қизиқди. Сиёсий партиялар, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар, сайловолди ташкиоти, сайлов кун, овоз бериш жараёни тўғрисида берилган бир қатор саволларга ёш сайловчилар жавоб қайтариб, ўз ҳуқуқий салоҳиятларини эркин намоён этишди.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати иштирокидаги очик мулоқотдан сўнг бошқа тадбирларимиз қатори менда ҳам мамлакатимизнинг ҳар соҳада ривожлантириш, адолат ва қонуни устуворлигини таъминлаш, халқимиз учун тинч ва фаровон турмуш шариоитини яратишдек эзгу ғоялар асосий мақсадида мужассам бўлган Ўзбекистон “Адолат” СДПга аъзо бўлиш ва “Ёш адолатчилар” қаноти сафига кириш истағи туғилди, — дейди тадбир иштирокчиси Умид Уринов.

Тадбир сўнигида савол-жавобларда фаол қатнашган иштирокчилар вилоят партия кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Комила ИСРОИЛОВА,
Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

Муҳим жараёнда маҳалланинг фаол иштироки

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тadbирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди масъул ходимлари, фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Ж.Иноғомов ва бошқалар юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасини тубдан янгилаш ҳамда модернизация қилиш борасида амалга оширилган ислохотлар жараёнида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ рўйбога чиқарилишини таъминлаётган, демократик стандартларга мос бўлган сайлов тизими яратилганлигини қайд этди.

Жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида маҳалла институтининг ҳуқуқий асосларини яратиш, уларнинг замон талабларига мос ҳолда такомил-



лаштириб борилиши натижасида бугунги кунда фуқаролар йиғинлари томонидан илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқли бўлган 30 дан зиёд вазифалар муваффақиятли бажариб келинаётганлиги, маҳаллалар аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тadbиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказларига айланаётганлиги, шунингдек, уларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини самарали олиб бораётганлиги эътироф этилди.

— Марказий сайлов комиссияси томонидан 2016 йил 7 октябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий мада-

даниятини юксалтириш бўйича маҳаллаларда тарғибот тadbирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-tadbирлар режаси ишлаб чиқилиб, «Мен шахсан ўзим овоз бераман», «Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга эгамиз», «Менинг овозим Ватан келажигига дахлдор», «Биз танлаш ҳуқуқига эгамиз», «Сайловчилар рўйхатида бормисиз» мавзуларидаги тарғибот-tadbирлар кенг жамоатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Семинарда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган тadbирларда фуқаролар йиғинлари раислари ва жамоатчилик комиссияларининг ўрни, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг моҳияти ва аҳамияти, участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этишда маҳалла фаолларининг роли қабириш, участка атрофида сўз юритилди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ўтказилган тadbирларда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишга оид тарғибот ишларининг самарадорлигини кучайтириш, тadbирларни ўтказишда замонавий усул ва услублардан кенг миқёсда фойдаланиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Саодат СОДИҚОВА,
“Adolat” мухбири

Ташвиқот ишлари

сайлов штабида қизғин давом этмоқда

Давоми. Бошланғич 1-бетда

— Сайлов штабига ташриф буюрган кексаю ёш ҳамюртларимизнинг саволларига тўлақонли жавоб бериш, бўлажак сайловнинг миллий қонунийлигини талаблари асосида ташкил этилаётганлигини тушунтириш орқали сайлов қонунийлигини хабардорлигини ошириш, партия номзодининг дастури билан кенг таништириш ҳар кунги асосий вазифаларимиздан бирига айланган, — дейди партиянинг Қорақалпоғистон худудий кенгаши раиси ўринбосари Ажияз Пахратдинов. — Фаолиятимизни сайлов қонунийлиги доирасида, белгиланган режа асосида босқичма-босқич амалга оширмоқдамиз.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича барча сайлов участкаларига кузатувчилар рўйхати тўлиқ шакллантирилди.

Барча шахар ва туманларнинг марказий кўчаларига партияимиз номзодини тарғибот қилувчи 54 та махсус баннерлар ўрнатилди.

Наримон Умаровнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ишончли вакили шахар ва туманларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, сайлов штаби сайловга оид барча ҳуқуқий ҳужжатлар, қўлланмалар, партия дастурий ҳужжатлари ва Президентлик номзод Н.Умаров ва унинг дастурини тарғибот қилувчи тарғибот материаллари ҳамда замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган.

Шарипа ТУРЕШОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
кенгаши матбуот котиби

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ

— Сайлов кунин сайлов бюллетенини айрим сабабларга кўра хато тўлдирсан ёки бюллетени бузиб қўйсан, участка сайлов комиссияси аъзоларидан бошқа бюллетен сўрасан бўладими?
П.Райимов, Самарқанд вилояти

— Ҳа, албатта. “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига асосан, овоз бериш кунин сайловчиларга бузиб қўйилган сайлов бюллетенини янги билан алмаштириб олиш ҳуқуқи кафолатланади. Сайлов бюллетенини алмаштириб беришни тегишли участка сайлов комиссияси амалга оширади.

— Яқинда радиога эшитиб қолдим. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи амалга оширилишига тўқтинлик қилган шахсларга нисбатан жазо чоралари қўлланылар экан. Айтингчи, бундай шахсларга нисбатан айнан қандай жазо чоралари қўлланылади?
С.Саҳоҳиддинова, Тошкент вилояти

— Сайлов қонунийлигига сўнги йилларда киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилишни назарда тутувчи меъриий ҳуқуқий асосларни янада аниқлаштиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, 2015 йил 10 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 147-моддасига тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Мазкур моддада сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли ваколатларининг амалга оширилишига тўқтинлик қилишга оид савий-ҳаракатга нисбатан қўлланыладиган жазо чораси ўрин олмаган. Яъни, фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловдаги тарғибот олиб бериш ҳуқуқларини, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шайхонинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишлари, шунингдек фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишлари, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўқтинлик қилиш уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

— Менинг жамоатчилик ишларида фаол сингилм ўзи истикомат қилаётган ҳудуддаги участка сайлов комиссиясига аъзо сифатида тасдиқланди. Участка сайлов комиссиясига аъзолик қайси мезонларга асосан тасдиқланади? Участка сайлов комиссиясини тузиш тартиби ва унинг ваколатлари ҳақида маълумот берами?
Г.Шукуров, Тошкент шаҳри

— Аввало айтишимиз керак, “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида”ги қонунга асосан участка сайлов комиссияси аъзоллигига номзодлар халқ депутатлари туман, шахар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга қамда қирқ кун қолганида 5-19 нафар аъзодан, шу жумладан, раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия 7 нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади. Участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссиясининг ваколатлари хусусида саволингизга келса, комиссиянинг ваколатлари юқорида ном зикр этилган қонуннинг 18-моддасида қайд этилган. Демак, участка сайлов комиссияси:

- 1) участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузилади;
- 2) сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништирилади, рўйхатдаги ноаниқликлар ҳақидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда тегишли ўзгаришлар киритиш масаласини ҳал қилади;
- 3) сайлов кунини ўз яшаи жойида бўлиш ва овоз беришда қатнашиш имконияти бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилади;
- 4) сайлов ўтказилмаган кун ва овоз бериладиган жой ҳақида аҳолини хабардор қилади;
- 5) овоз бериладиган кун ва сайлов қўтиллари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;
- 6) сайлов кунин сайлов участкасида овоз берилишини ташкил этади;
- 7) сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади;
- 8) сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни уюштириш масалаларига доир ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилади;
- 9) ушбу қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Саволларга ҳуқуқшунос
А.РАҲМОНОВ жавоб бери.

“Менинг овозим Ватан келажигига дахлдор”

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Тadbир давомида ўқувчи-ёшлар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

— Бу йил илк мартаба Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига қатнашман, — дейди Тошкент тиббиёт коллежи 3-босқич ўқувчиси Нилуфар Зуфарова.

— Менинг танловим ҳам аҳамиятга эга эканини чуқур англаган ҳолда, сайлов ҳақидаги тушунчаларимни, сайлов қонунийлиги борасидаги билимларимни оширишга ҳаракат қиламан. Мен ва тенгдошларимнинг овози халқ килувчи аҳамиятга эгаллигидан келиб чиқиб, Президентликка номзодларнинг телевидение ва босма нашрларда чиқишларини мунтазам кузатиб бораёман. Бугунги ташкиллаштирилган тadbирда билимларим янада кенгайди.

— Ўз тақдирини мамлакат тақдирига чамбарчас боғлаган ҳар бир ёш Президент сайловида фаол иштирок этади, деб биламан, — дея мавзунини давом эттирди ўқувчи Мадина Аъзамова. — Ўтказилаётган давра суҳбатлари ва мулоқотларда мамлакатимиз сайлов тизими ва қонунийлигига доир билимларимизни ошириб, сиёсий партиялар фаолияти ва номзодлар дастурлари билан танишиб бормоқдамиз. Шу жиҳатдан мен сайловни шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаро тақдирига дахлдор сиёсий воқеа, деб тушунаман.

Шунингдек, тadbир даврида “Мен сайловда илк бор иштирок этаман” мавзусидаги викторина ўтказилиб, унда фаол қатнашган ёшлар шахар партия кенгашининг асдаллик савгалари билан тақдирланди.

Жонли мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида ёшлар мутахассислардан ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Феруз ЖҲРАЕВ,
“Adolat” мухбири

Шу кунларда мамлакатимиз ва халқимизнинг бугуни, эртанги истиқболига бевосита дахлдор бўлган сиёсий тadbир — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига юртимизнинг ҳамма жойида бўлган Навоий вилоятида ҳам қизғин ҳозирлик кўрилаяпти.

С.АСЛАНОВ
(ЎзА) баған сура

Масъулиятни чуқур англаб

Вилоятнинг шахар ва туманларидаги энг гавжум масканлар, корхона, ташкилот ва муассасалар бинолари олдига ўрнатилган, сайлов кампаниясининг қизини палласидан дарак берувчи давлаткор баннерлар барчанинг эътиборини жалб этапти.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига ўтказувчи 5-Навоий округ сайлов комиссияси ва унинг таркибидagi сайлов участкалари сиёсий тadbирга тайёргарлик кўришига фаол марказларига айланиб улгурган. Мустақиллик йилларида бунёд этилган энг замонавий, бир-биридан кўркам биноларда жойлашган бу масканларга келиб-кетаятган кексаю ёш юртдошларимиз сони кун сайин кўпайиб бораётганлиги ҳам шундан далolat беради.

— Сайлов округимиз ҳудудида сайловда жиҳазлари, ташвиқот ишлари сайлов қонунийлиги талаблари даражасида, шаффофлик, очиқлик ва ошқоралик руҳи-

да, демократик тамойиллар асосида ташкил этилмоқда, — дейди округ сайлов комиссияси раиси Нормурод Исоқов. — 2016 йилнинг 4 декабрь кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига 641 минг 380 нафар навоийликлар ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиб, фуқаролик позицияси, хоҳиш-иродасини намойён этишди. Сайловга тайёргарлик жараёнида улар учун ҳар жиҳатдан энг қулай шарт-шароитлар яратилишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ташкил этилган жами 363 та сайлов участкасида иш қизғин, айни пайтда бу масканлардан одам аримайди. Сайловчилар бу ерда ўзларини қизиқтирган сайловга оид барча саволларга тўлақонли жавоб олишяпти.

Биз Навоий шаҳридаги участка сайлов комиссиялари фаолияти билан танишар эканмиз, юқорида айтилганларга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Вилоят маркази-

да фаолият юритаётган жами 42 та сайлов участкаси имкон қадар сайловчилар хонадонларига яқинлаштирилди.

— Сайлов участкасидаги сайловчилар сони 2665 нафарни ташкил этади, — дейди 8-сонли мусика ва санъат мактаби биносига жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига ўтказувчи 37-участка сайлов комиссияси раиси Хайрулла Нарзуллаев. — Шундан 17 нафар овоз беришда биринчи марта қатнашадиган ёш сайловчилардир. Айни пайтда 11 кишидан иборат комиссия аъзоларимизнинг ҳар бири сиёсий кампанияни юксак савияда ўтказиш мақсадида катта масъулият билан иш олиб бормоқда. Шу мақсадда участка сайлов комиссияси хонаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тақдим этилган услубий тавсиялар асосида тўлиқ жиҳозланди. Участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан ҳамшахарларимизнинг сайлов қонунийлиги борасидаги

билимлари ва ҳуқуқий маданиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадга хизмат қилувчи сиёсий адабиётлар, сайлов қонунийлиги ҳужжатлари, марказий ва маҳаллий ижтимоий-сиёсий газеталар, сиёсий партияларнинг даврий нашрларидан сайловчиларнинг тўлақонли фойдаланишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Бундан ташқари, “Ёш сайловчилар” бурчаги мавжуд. Шунингдек, “Она ва бола хонаси”, тиббий хизмат хонаси ҳам шай холатга келтириб қўйилган.

— Мен бўлажак сайловда илк бор қатнашман, — дейди Камола Хайдарова. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўйича ўзини қизиқтирган саволларга жавоб топиш мақсадида бу ерга келдим. Мен сингари ёш сайловчиларга алоҳида эътибор қаратилиб, “Ёш сайловчилар” бурчаги ташкил этилганидан жуда хур-

санд бўлдим. Сайлов тўғрисида кутганимдан ҳам кўпроқ тушуноча олдим. 4 декабрь кунини она Ватанимнинг порлоқ истиқболни, халқимизнинг фаровон турмуши учун ўзим танлаган номзодга овоз бераман.

Биз билан бўлган суҳбатда Мушарраф ая Тўхтаева ҳамда Мамарайим ота Ортиқовлар ҳам сайлов участкасига келиб, сайлов қонунийлиги, унга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, уларнинг мазмуни моҳияти ва аҳамияти тўғрисидаги билимларини янада бойитганликларини таъкидлашди.

Ҳа, Навоий вилоятидаги сайлов участкаларидан бирор дам сайловчилар қадами узилмайди, десак янглишмайми. Бу эса вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига барча бирдек масъулият билан қизғин тайёргарлик кўраётганлигини англатиб турибди.

Олим ХҲЖАЕВ,
“Adolat” мухбири



НАРИМОН УМАРОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!



АДОЛАТ — ҲАР БИР ИШДА ДАСТУРИМИЗ ВА ҲАМРОҲИМИЗ БЎЛСИН!

«... фарзандлари соғлом ва баркамол ривожланган мамлакат кучли ва қудратлидир».

(Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг сайловолди дастуридан)

Янги тарбия маскани

ЭЪТИБОР ВА САМАРА

Истиқлол йилларида таълим тизимининг тубдан янги, миллий модели яратилди.



Мактабгача таълим муассасалари ҳам илгариги боғчалардан фарқли равишда янгича талаблар асосида ишлайдиган, катта мавқе-мақомга эга илм ва тарбия масканларига айланди. Натижада мактабгача таълим муассасалари навқирон авлодни мактабга тайёрловчи маскан сифатида янгича қиёфа касб этди. Бу йўлда, аввало, Мактабгача таълим концепцияси, Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари ишлаб чиқилди. Улар асосида болани ҳар томонлама етук қилиб вояга етказиш учун зарур тамойиллар белгиланди. Хусусан, «Болажон» таянч дастури яратилди. Шуларга мос равишда соҳа ходимларининг малакасини оширишга алоҳида эътибор берилди, замонавий ва синовдан ўтган методлар ҳаётга жорий этилди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиқалъа туманида 280 нафар ўринга мўлжалланган 4-сон мактабгача таълим муассасаси жорий йилда 476 миллион сўм маблағ ҳисобига қайта қурилиб таъмирдан чиқарилди. Муассаса яқинда жажжи болажонлар ихтиёрига фойдаланишга топширилди. Унинг очилиш маросимида тумандаги кўплаб ташкилот вакиллари иштирок этди ҳамда таълим муассасасига хомийлар томонидан тайёрланган эсдалик совғалар берилди.

Жавлон БОЛТАЕВ,
«Камолот» ЁИҲ Эллиқалъа туман кенгаши раиси



ASAKA
BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК

«Соғлом она ва бола йили» муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.



- Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
 - маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
 - эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
 - миқдори чекланмаган!

«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

www.asakabank.uz

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371 120-83-13	
Наманган вилоят филиали	369 227-15-68	
Автотранспорт филиали	371 120-39-95	
Навоий вилоят филиали	436 770-21-29	
Шайхонтохур филиали	371 140-39-36	
Зарафшон филиали	436 572-40-14	
Юнусобод филиали	371 221-80-67	
Бухоро вилоят филиали	365 770-05-19	
Сирғали филиали	371 257-44-10	
Бухоро шаҳар филиали	365 770-11-27	
Тошкент вилоят филиали	371 120-84-13	
Самарқанд вилоят филиали	366 233-65-47	
Андижон вилоят филиали	374 223-60-74	
Афросиёб филиали	366 221-71-76	
Асака филиали	374 233-21-99	
Қашқадарё вилоят филиали	375 221-07-41	
Фарҳод филиали	374 226-96-63	
Сурхондарё вилоят филиали	376 770-82-12	
Фарғона вилоят филиали	373 244-39-14	
Қорақалпоғистон филиали	361 770-60-59	
Марғилон филиали	373 237-62-23	
Хоразм вилоят филиали	362 228-14-81	
Олтиариқ филиали	373 432-19-80	
Сирдарё вилоят филиали	367 225-44-03	
Кўкон филиали	373 542-61-01	
Жиззах вилоят филиали	372 226-43-11	

Амир Темури ўғитлари

Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, беғуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукми чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим.

Уламо билан суҳбатда бўл ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Буларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборақ нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қил.

Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб битирмагунимча ундан кўлимни тортмадим.

Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб.

Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашроф-улуғлари ва бузурқлари билан ошно тутиндим. Уларнинг мижозларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларни уларга ҳоким қилиб тайинладим.

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Исрол ҲАМРОЕВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибиат — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 288-42-14 (144)
Навбатчи муҳаррир — Дилором Матқаримова
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgz.uz adolatgz-95@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 4 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қўғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 1100. Адади — 7733 Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилади — 21.00 Баҳоси келишилган нарха

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5237



9 772091 523001

1 2 3 4 5



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати:

Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шўҳрат ЯКУБОВ